

Ахмадхон ҚАЮМОВ

САМАНДАР ТЕРМИЗИЙ

МАЖБУРИЙ
НУСХА

Тошкент
«Мухаррир» нашриёти
2012

83.3(5Ў)1-Арعب-лик

УДК: 821.512.133 (092) Термизий

ББК: 83.3 (5Ў)

К33

Қаюмов, Аҳмадхон

Самандар Термизий / А. Қаюмов. – Т.:

«Мухаррир» нашриёти, 2012. – 84 б.

ББК: 83.3 (5Ў)

Хожа Самандар Термизий хайрия жамгармаси раиси, Аҳмадхон Қаюмовнинг уйбу асарида XVII – XVIII асрларда яшаб, баракали ижод қилган, ўзидан бой маънавий мерос қолдирган улуғ ватандошимиз, аллома ва тарихчи, моҳир табиб ва ажойиб дипломат, шоир, дин ва сиёсат арбоби Хожа Самандар Термизийнинг ҳаёти ва ижоди, асарлари, аجدодлари, авлодлари хусусида фикр юритилади. Китобда буюк бобомизнинг «Дастурул мулук» ва «Анисул фуқаро» каби асарлари, уларни ўрганиши, таржима ва тадқиқ қилиши, зиёратгоҳини ободонлаштириши борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталнади. Маънавий меросимизни, тарихимизни, анъанавий ахлоқ-одобимизни ўрганишида аллома асарлари муҳим аҳамиятга эгадир.

1039779
281

Тақризчилар:

Муҳаммад Азимов,

филология фанлари номзоди

Сайфулла Турсунов,

тарих фанлари доктори, профессор

© Аҳмадхон ҚАҲУМОВ

© «Мухаррир» нашриёти

ISBN 978-9943-25-047-5

Alisher Navoiy

2012/189

nomidagi

A 4438

O'zbekiston MK

Сўзбоши ўрнида

Ўзбекистон жануби – Сурхон воҳаси қадим-қадимдан аҳоли истиқомат қилиб келган манзилгоҳ инсониятнинг илк бешиқларидан бири бўлгани маълум. Тешиктош ғори топилмалари ва Заравутсой қоя суратлари, Сополлитепа ва Жарқўтондаги дастлабки шаҳарлар, Болаликтепа, Қоратепа, Айритом, Фаёзтепа, Далварзинтепа, Холчаёндаги буддавийлик ва зардуштийликка доир харобалар, Ҳаким Термизий зиёратгоҳи, Кокилдор, Султон Саодат, Қирадиз, Жарқўрғон минораси, Сайид Оталиқ мадрасаси, Абу Исо Термизий мақбараси ва Ислом маданиятига мансуб бошқа тарихий ёдгорликлар бу заминда неча минг йиллардан буён ота-боболаримиз яшаб, курашиб, меҳнат қилиб, ўзларидан нурли излар қолдиришганидан далолат беради. Афсус, биз узок йиллар мобайнида аجدодларимиз машаққатли меҳнат қилиб, қон ва кўз ёшлари тўкиб, ўрни келганида катта илҳом ва иштиёқ билан яратган, олам ҳавас қилгулик гўзал маънавий бойликларимиздан амалда мосуво бўлиб келдик. Собиқ – мустабид тузум мафқураси даврида Соҳибқирон Амир Темурни қонхўр босқинчи, Ҳаким Термизий, Абу Исо Термизий, Сўфи Оллоёр, Самандар Термизий ва бошқа улуг аждодларимизни диний-мистик, сарой-клерикал адабиёт вакиллари сифатида қоралаб халққа тақдим қилишди. Амалда улар ижодини, маънавий меросини ўрганиш таъқиқлаб қўйилди. Биз айрим халқлар тарихини, маданиятини чуқур ўрганган ҳолда она юртимиз тарихини, халқимизнинг шонли ўтмиши, илм-фан ва бир замонлар гуллаб-яшнаган маданиятини яхши билмас эдик. Чунки совет мактабларида Ўзбекистон тарихини ўрганишга жуда кам дарс соатлари ажратиларди.

Президентимиз Ислом Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида таъкидлаганларидек, «Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ». Бу ҳақиқат кишилик тарихида кўп бора ўз исботини топган» (6, 4).

Хайрият, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, маданий-маънавий меросимизни ўрганиш, тадқиқ этиш, буюк аждодларимиз ҳаёти ва ижоди билан чуқур танишиш, тарғиб-ташвиқ этиш, миллий қадриятларимизни тиклаш, тарихий ёдгорликларимизни тўла таъмирлаш ва шаънига муносиб гўзал зиёратгоҳларга айлантириш имкони туғилди. Аҳмад Фарғоний, Ҳаким Термизий, Имом Бухорий, Абу Исо Термизий, Маҳмуд Замахшарий, Имом Мотуридий, Бурхониддин Марғиноний, Амир Темур, Сўфи Оллоёр, Хувайдо каби улуғ боболаримиз ҳаёти ва илмий-ижодий меросини ўрганиш ишлари кенг йўлга қўйилди.

Бу улуғ аллома боболаримиз орасида XVII-XVIII асрларда яшаб, ижод қилган буюк ватандошимиз Самандар Термизий ҳам борлиги алоҳида эътиборга лойиқдир. Ўзининг «Дастурул мулук» (Шоҳларга қўлланма), «Анисул фуқаро» (Фуқаролар дўсти) ва бошқа асарлари, ғазаллари билан машҳур бўлган Самандар Термизий ҳаёти ва ижодини ўрганиш, асосан, мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг бошланди. Сурхондарё вилояти «Сурхон тонги» газетасининг 1996 йил 16 апрел сонида Термиз Давлат университети доценти, филология фанлари номзоди Жаббор Эсоновнинг Самандар Термизий ҳаёти ва ижоди ҳақидаги мақоласи эълон қилинди. Бу тадқиқотчи бундан олдинроқ, яъни 1994 йилнинг апрел ойида ҳам университетда илмий-назарий анжуманда «Дастурул мулук – дидактик асар» мавзuida маъруза қилган эди.

Жаббор Эсонов мақолани нашрга тайёрлаш жараёнида газета адабий ходими, тадқиқотчи Муҳаммад Азимов билан танишади. Муҳаммад Азимов ундан

«Дастурул мулук»ни тўла таржима қилишини сўраб, олим М. Салоҳитдиновнинг рус тилида тайёрланган ва каттагина илмий сўзбоши билан 1971 йил Москвада, «Наука» нашриётида чоп этилган китобини Жаббор Эсоновга беради. Агар асар таржима қилинса, вилоят «Сурхон тонги» газетасида бериб боришларини билдиради. Натижада «Дастурул мулук» (гарчи китоб форсчадан таржима қилинди дейилса-да, аслида асосан русчадан) ўзбекчага ўгирилиб, унинг кириш қисми, 3-фасли газетанинг 1994 йил сентябр, октябр, ноябр ойларидаги сонларида, «Жасорат» номли 2-фасли эса «Ватанпарвар» газетасининг май ойидаги сониди босилиб чиқади. 1997 йили ана шу эркин таржима сўзбоши ва изоҳлари билан Тошкентда, Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилди. 2001 йилнинг декабрида эса «Дастурул мулук»нинг Жаббор Эсонов тайёрлаган бир оз тўлдирилган иккинчи нашри «Шарқ» нашриёт-матбаа ҳиссасдорлик компаниясида босмадан чиқди.

Кейинги йиллар республика газета-журналларида аллома ҳақида ўнлаб мақолалар эълон қилинди. Абдулла Холмирзаевнинг «Сурхондарёнинг табаррук зиёратгоҳлари», Муҳаммад Азимовнинг «Термиз тарихи», «Сурхондарёлик ижодкорлар», Сайфулла Турсуновнинг «Термизлик буюк сиймолар» каби китоблари ва бошқа нашрларда Самандар Термизий ҳаёти ва ижоди ҳақида илмий-тадқиқий мақолалар чоп этилди.

Гарчи маълумотларда Самандар Термизийнинг анчагина асарлар, газаллар ёзгани қайд этилса-да, бизгача унинг фақат «Дастурул мулук» ва «Анисул фуқаро» асарларигина етиб келган. «Анисул фуқаро»нинг бир нусхаси «Дастурул мулук» таржимони Жаббор Эсонов қўлида сақланарди. Олим бу асарни ҳам ўзбек тилига таржима қилиб, сўзбоши ва изоҳлари билан чоп этиришни ният қилган эди. Аммо умр вафо қилмади, бу ишни амалга оширолмади, раҳматли.

2010 йил бошида ташкил этилган ва аллома макбарасини обод қилиш, таъмирлаш, зиёратгоҳини барпо этиш, аллома асарларини таржима қилиш ва чоп этиришдек эзгу ишларга бел боғлаган Хожа Самандар Термизий хайрия жамғармаси режа асосида бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Ушбу китоб ҳам жамғарма раҳбариятининг саъй-ҳаракати, изланиш-тадқиқотлари самараси ўлароқ дунёга келди. Уни тайёрлашда Самандар Термизийга замондош Махжур Тошкандий ҳамда Муҳаммад Бадеъ ибн Муҳаммад Шариф Малехонинг «Музақкирул асхоб», адибнинг «Дастурул мулук», Муҳаммад Азимовнинг «Сурхондарёлик ижодкорлар», олима М. Салоҳитдинованинг «Ходжа Самандар Термези» (Дастурул мулук, Москва, 1971, изд. «Наука», Главная редакция Восточной литературы) китоблари ва газета-журналларда чоп этилган бошқа шу мавзудаги мақолалардан фойдаланилди. Шунингдек, Самандар Термизийнинг бугунги кунда Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида истикомат қилаётган авлодларидан эшитилган ҳикоятлар, адиб авлодлари шажарасига мурожаат этилди.

Шубҳасиз, китоб айрим камчилик-нуқсонлардан ҳоли бўлмаслиги, уни тўлдириш, бойитишга зарурат туғилиши табиий. Шундай экан, муаллиф китоб хусусидаги барча таклиф-мулоҳазаларни инобатга олади, кейинги нашрларда бу таклиф-истак, фикр-мулоҳазалар асосида китобни қайта ишлаб, тўлдириб, мукаммаллаштириб боради.

XVI асрнинг охири ва XVII аср бошларида Термиз

Турли манбалар маълумот беришича, Хожа Самандар Муҳаммад ибн Бақо Термизий тахминан XVII асрнинг 30-йилларида Термиз шаҳрида саййидлар хонадонида туғилиб ўсди, улгайди, таълим олди. Кейинчалик, вояга етгач, у билим олиш, илмий-ижодий фаолиятини йўлга қўйиш учун Термиз шаҳридан сафарга чиқди ва бу шаҳарга яшаш мақсадида бошқа қайтиб келмади. Хўш, бунинг сабаблари нимада эди? Нега бу даврда фақат саййидлар хонадони эмас, бошқалар ҳам Термиз шаҳри ва унга ёндош ҳудудларни ташлаб кетишга мажбур бўлишди? XVI аср охири, XVII аср бошлари ва ундан кейинроқ бу ерда ижтимоий-сиёсий аҳвол, аҳолининг турмуш даражаси қандай эди?

Маълумки, XVI асрда Марказий Осиёда, хусусан, Мовароуннаҳрда шайбонийлар авлодидан бўлган хон ва ҳокимлар ҳукмронлик қилишди. Термиз ва Чағониён, уларга ёндош ҳудудлар ҳам, асосан, шайбонийлар қўл остида эди. Хўш, Самандар Термизий таваллуди арафасида Термиздаги ижтимоий-сиёсий аҳвол қандай эди? Шаҳар ободончилиги, эл маъмурчилиги қай даражада эди?

Милодий 1557 йили Бухоро тахтига ўтирган Абдуллахон II майда, тарқок ҳокимликларга бўлиниб кетган Мовароуннаҳрни бирлаштиришга, ягона кучли давлат тузишга уринди. Оғир ва қонли курашлардан сўнг ҳокимликлар: Марв (975-1567), Самарқанд (979-1569), Термиз (980-1572), Тошкент (987-1579) Бухоро хонликларига бўйсундирилди. Узок қамалдан сўнг – 1573 йили Балх ҳам ишғол қилинди.

Абдуллахон II билан Балх ҳокими Динмуҳаммад Султон ўртасидаги адоват ҳижрий 967 (мил. 1560) йили содир бўлган эди. Ўша йили Абдуллахон амаки-

си Пирмуҳаммадхоннинг таклифига биноан Бухоро ҳокимлигини Балх ҳокимлигига алмаштирмоқчи бўлди. Лекин Динмуҳаммад Султон отаси Пирмуҳаммадга қарши исён кўтариб, бунга йўл қўймади. Пирмуҳаммад Балхга хижрий 974 (мил. 1566) йилгача, яъни вафот этгунига қадар ҳукмронлик қилди. Сўнг эса Балх тахтига Абдуллахоннинг душмани Динмуҳаммад ўтирди. Бу даврда Пирмуҳаммаднинг кенжа ўғли Муҳаммад Султон Термиз ҳокими эди. Гарчи Термиз Мовароуннаҳр шаҳарларидан саналса-да, Муҳаммад Султон Бухорога эмас, акаси Динмуҳаммадга тобе эди. Бу эса Мовароуннаҳрни бирлаштириб, ягона давлат ташкил этиш орзусида юрган Абдуллахонга ёқмасди. Шунинг учун ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Абдуллонома» (Шарафномаи шоҳий) асарида ҳикоя қилинишича, Абдуллахон Андхуд вилоятидан Шибирғонга кайтгач, бир неча кун дам олади, қиш кайтиб, баҳор кирганида, хижрий 979 (мил. 1571) йили мардлар шаҳри Термизга диққат-эътиборини қаратади.

Ҳофиз Таниш Бухорий Термизнинг забт этилиши якунига тўхталиб: «Тарих (ҳижрий) 980 йил муҳаррамида шунча вилоят (ул) фармон берувчининг ихтиёрига киргач, ул ҳазрат бу (вилоят)ни султон жаноблари Маҳмуд Султонга иноят қилиб, буюк нўён Менглибий қушчини унга оталиқ қилиб тайинлади» (16, II, 100), деб битади.

Ўша даврда Термизда тангалар зарб қилинар, ипдан тайёрланган матолар, ипак ва ярим ипак газламалар ишлаб чиқарилар, улар сифати ва гулдорлиги билан ажралиб турарди. Шунингдек, ёғоч ва ганч ўймакорлиги ривожланган эди. Бу даврда Салавотда – Сурхондарёнинг ўнг соҳилида катта масжид қурилди, Султон Саодат мажмуининг жанубий қисми қурилиши тугалланиб, шимолий қисмида ҳам янги бинолар барпо этилди.

Милодий 1599 йилдан Мовароуннаҳрда аштархонийлар ҳукмронлиги бошланди. Гарчи дастлабки пайт-

ларда бу сулола ҳукмдорлари Боқиймуҳаммад (1595–1605), Валимуҳаммад (1605–1611), Имомқулихон (1611–1642), Нодирмуҳаммад (1642–1645), Абдулазиз (1645–1680) даврларида Балх вилоятига қараган Термизда бирмунча осойишталик ҳукм сурса-да, кейинроқ, хусусан, Субҳонқулихон (1680–1702) даврига келиб, ўзаро уруш-жанжаллар сабабли халқ хўжалиги издан чиқди, вайронагарчиликлар юз берди.

Шайбонийлар сулоласининг охириги йиллари ва аштархонийлар сулоласи ҳукмронлиги бошларида Термиз ва унга ёндош ҳудудлар ижтимоий-сиёсий аҳволи, бу жойларда яшаётган халқ турмуши ҳақида XVIII асрда Балхда яшаб, ижод қилган Махмуд ибн Валининг «Баҳрул асрор фи манокиб ал-аҳёр» (Шафқатли арбобларга тааллуқли сирлар денгизи) китоби муҳим маълумотлар беради. 1595 йили туғилган, Самандар Термизийнинг ёши улугъ замондоши бўлган Махмуд ибн Вали тарихни яхши билган, у Балх ҳукмдори Нодир Муҳаммадхон топшириги билан битилган китобида Термиз ва унга ёндош ҳудудлар хусусида қуйидагича маълумот беради: «Термиз Мовароуннаҳр шаҳарларидан ва тўртинчи иқлимда жойлашган. У Жайхун дарёси қирғоғида жойлашган бўлиб, мустаҳкам деворлар билан ўраб олинган. Жанубий қисми Жайхун дарёси узра юксалиб туради. Унинг дарвозаси ҳам шу тарафда қишлоқлари ва аҳоли истиқомат жойлари кўп. Шаҳарнинг марказий даҳаларидан энг асосийси Салавот бўлиб, унда ҳоким қароргоҳи, бозор, мадраса ва улкан жоме масжиди бор. Баланд минора ҳам мавжуд» (7, 34).

Махмуд ибн Вали Салавот томонда боғу бўстонлар камлигини қайд этиб, бу ер асосан қумликдан иборат эканини, шу боис иқлими иссиққа мойиллигини, ғалла ва қовун яхши бўлишини қайд этади.

Балхлик тарихчи Термизда Саййидлар хонадонлари мавжудлиги, уларнинг хатти-ҳаракатлари ва муомалаларидан олийжаноблик ва саховат излари сезилиб тури-

шини, бу ҳудудлар шайхулисоми ҳозиргача уларга мансублигини қайд этади.

Демак, бундан кўринадики, аштархонийлар даврида Термиз гарчи кичик бўлса-да, теварак-атрофларидаги қишлоқлар, хусусан, Салавот билан бирга жуда катта ҳудудни ташкил этган. Бу даврда ҳам термизлик саййидлар ичидан жуда йирик шайхлар, олимлар, шоирлар етишиб чиққан. Аммо кичик хонлар, бек ва амалдорлар, орасидаги ўзаро тож-тахт талашувлари, қирғинбарот жанглари, босқинчилик, ҳақсизлик сабаб бошқа жойлар каби Термиз ва унга ёндош ҳудудлар харобаликка юз тутди. Олимлар ва зиёли кишилар бошқа ерларга бош олиб кетишга мажбур бўлишди. Оддий одамлар ҳам тинчроқ, жой излаб, кўчиб кетдилар. Масалан, Термиз шаҳри аҳолисининг катта қисми – кўнғирот қабиласининг бир гуруҳи XVIII аср бошларида Шеробод ҳудудига кўчиб кетиб, у ерда Шералихон бошчилигида ўз қалъаларини барпо этишди. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Юқорида айтилган сабабларга кўра, XVI асрнинг иккинчи ярмида туғилган, Термизда таълим-тарбия олган Мир Абдуллоҳ Термизий Ҳиндистонга кетиб қолган. Самандар Термизий эса илм олиш талабида Бухорога йўл олган. Шундан сўнг яшаш учун Термизга қайтиб келмаган.

Самандар Термизийнинг ёшлик даври

Хожа Самандар Муҳаммад ибн Бақо Термизий XVII асрнинг тахминан 30-йиллари Термизнинг саййидлар яшайдиган Сомон маҳалласида – Султон Саодат мақбараси яқинидаги хонадонда таваллуд топди. Хожа Самандар Термизийнинг бобокалонлари: Имом Хусайн (Муҳаммад пайғамбаримизнинг (с.а.в) набираси), Зайнулобидин (Имом Хусайннинг ўғли), Султон Саодат – саййидлар султони амир Саййид Али Акбар Термизий, Шох Мирзо Гадоё Саййидхожа, Саййид Мирзо Лапас хожа, Саййид Бақо Эшон (Хожа Самандар Муҳаммад Бақо Термизийнинг отаси) ва унинг Пошшоҳон, Пошпойимхон ва Абдукаримхон, Ўзбекхон, исми тўрт ўғли бўлгани ҳамда кейинги авлодлари шажараси аниқланди.

Шуниси диққатга сазоворки, XIV аср тарихчиси Фотиҳ Хавофий ўзининг «Фотиҳи Хавофий» асарида Амир Темур даврида “Мир Бўзург Термизий” номи билан машҳур бўлган термизлик Саййид Аъло ал-Мулк ҳақида тўхталиб ўтади. Кейинчалик Амир Темур хизматига кирган Абул Маъали ҳамда Али Акбар Термизийлар унинг еттинчи ва саккизинчи ўғиллари экан. Фотиҳ Хавофий китобида Аъло ал-Мулkning ажодлари шажараси бундай баён этилади: «Худовандзода Аъло ал-Мулkning биродари Худовандзода Гиёсиддин Абулмузаффар Султон ибн Худовандзода Шамсиддин Хоразм Журжонида муҳаррамнинг ўн учи кечкурун (мил. 1342 йилнинг 18 июнида) вафот этди. Унинг (жасадини...) Термизга келтирдилар. У эллик ёшда эди. Унинг биродари Аъло ал-Мулк – Абул Макоримнинг ўзи бўлиб, у ибн Тоҳир ибн Тоҳир ибн Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Тоҳир ибн Муҳаммад ибн Хусайн ибн Али ибн Муҳаммад ибн Убайдуллоҳ ибн Али ибн Ҳасан ибн Хусайн ибн Жаъфар ибн Убайдуллоҳ ибн

Хусайн ибн Али ибн Хусайн ибн Али ибн Абу Толибдир (11, 70). Демак, бундан кўринишича, худди шу – узок йиллар Термиз шаҳри ҳокими бўлиб фаолият юритган ва шайбонийлар бостириб келишганидан сўнг Бобур Мирзо билан Хуросон, Ҳирот томон чекинган Али Акбар Термизий Самандар Термизийнинг бобокалони бўлган, дейиш мумкин.

Хожа Самандар Термизийнинг тўртинчи ўғли Абдукаримхон авлодидан мулла Мирзобоқихўжа 1938 йили Афғонистонга кетади ва 1941 йили ўғил кўриб, исмини Абдуллахон кўяди. 1979 йили Афғонистонда нотинчлик бошлангач, Абдуллахон кекса онаси билан Покистонга ўтади. 1985 йили бу мамлакат ҳукумати уни Маккаи мукаррамадаги Покистонга қарашли масжидга имом-мутавалли этиб тайинлайди. 1990 йили ҳажга борган амакиси мулла Аҳмад Ҳожини уйида бир неча кун меҳмон қилиб, отаси ўлими олдидан: «Қишлоғинг Қоптўғай, катта бозоринг Какайди, бобокалонинг Хожа Самандар Муҳаммад ибн Бақои Термизий, аждодларимиз Султон Саодат – Амир Саййид Али Акбарий Термизий билан боғланади. Бориб сўроқласанг, топасан», деб насихат қилганини эслайди (Абдуллахон ҳақида кейинроқ батафсил маълумот берамиз).

Эҳтимол, «Силсилаи шариф»га кирган тариқат пирлари сафидаги Ҳазрат Муҳаммад Бокий Хожа Самандар Муҳаммад ибн Бақо Термизий бўлиши мумкин.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам Хожа Самандар Термизийнинг термизлик бўлгани ва саййидлар авлодидан экани аниқ. Унинг падари бузруквори ҳам ўша даврдаги барча саййидлар каби мадраса кўргани, ўқимишли, билимдон киши бўлгани шубҳасиз. У “Саййид Бакр Эшон” номи билан танилган. Унинг муридлари-издошлари, кўплаб шогирдлари бўлган. Саййид Бакр Эшоннинг неча фарзанди бўлгани, Самандар Термизий нечанчи фарзанди экани номаълум. Шу нарса аниқ – алломанинг исми Муҳаммад бўлиб, “Самандар”

лақабидир. Одатга кўра, Мовароуннахрда ҳам Хуросон ва Эрондаги каби аслзода кишиларнинг арабча исмидан ташқари туркча ё форсча лақаби ҳам бўлган. Масалан, Муҳаммад Тарағайни “Улуғбек”, Алишер Навоийни “Низомиддин”, Муҳаммад ат-Термизийни “Ал Ҳаким”, Абу Бакр Муҳаммад Термизийни “Варроқ” деб атаганлари каби Муҳаммад Термизийни ҳам кўпроқ “Самандар” номи билан таниганлар. Самандар афсонавий куш бўлиб, у кўп йил яшаганидан сўнг олов ичида қайта туғилиб, асл қиёфасига қайтар экан. Бу кушнинг тумшуғида минглаб тешиклари бўлиб, улардан турли мусиқий овозлар таралиб турар экан. Айрим тасдиқланмаган маълумотларга кўра, Самандар Термизийнинг Қаландар Термизий ва Искандар Термизий лақабли укалари ҳам бўлган. Қаландар Термизийнинг қабри ҳозирги Салавот қишлоғидан Жарқўрғонга – шимоли-ғарб томон бораверишда, кумликлар орасида экан. Қаландар Термизий ва Искандар Термизий авлодлари ҳозирда Қашқадарё вилоятининг Ғузор ва Китоб туманларига кўчиб кетиб, ўша жойларда истиқомат қилишаётгани ҳақида узуқ-юлуқ маълумотлар бор. Бу борада ҳам изланишлар олиб борилмоқда.

Самандар Муҳаммад Термизий илк маълумотни туғилган шаҳри Термизда олади. Сўнг эса билимини ошириш учун узоқ сафарга отланади. Олдин Бухоро шаҳридаги мадрасалардан бирида ўқийди. Уни битиргач, бир қанча муддат Самарканд вилоятининг Нарпай туманида қозилик ҳам қилади. Сўнг эса, афтидан яна билимини ошириш мақсадида талабалик йўлини танлайди. Малехо Самарқандий «Музаккирул асҳоб» асарида бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: «У бир муддат Наҳрипайда истиқомат қилди. Бошида жун қалпоқ, эгнида оқ жулдур жанда, белига ваҳдат каманди (чилвири) ни боғлаб, дарвишга ўхшаб, Аллоҳ таоло йўлига кириб, ўзини ҳаммадан четга олиб, бутун дунё лаззатларидан воз кечиб, кўпчилик хангомасидан бебахра бўлиб, ахли

оида ва бола-чақасидан олисда, ҳақиқат оламининг баҳру барини чизиб, машриқ ва мағриб мулкини кезиб, бутун жаҳоннинг иссиқ-совуғини, аччиқ-чучугини то-тиб кўриб, дил зимнида пишиқликни ҳосил этиб, бир тола соч каби хомлиги қолмаган, ваҳдат йўлида бутун борлиғи билан ҳазм бўлиб, тасаввуф намояндасига ай-ланиб қолган бир шариф зотдир. Кейинроқ у ўз юрти Насафда сокин бўлиб, ҳеч ёққа чиқмасдан, мазкур тарзда ҳаёт кечирди» (8, 330), деб қайд этади. Хуллас, Самандар Термизий Ҳижозга, Маккаю Мадинага от-ланади. Бир неча йил узлуксиз сафарлар қилиб, қаерда етук олим, шайхлар бўлса, уларга шогирд тушиб, би-лимини оширади. Ўн йилдан кўпроқ вақт мобайнида Араб ва Ажамнинг кўпгина шаҳарларида бўлади. Ҳатто бир мунча вақт Ҳиндистонда ҳам яшайди. Хуллас, та-саввуф сулукида кўрсатилган сафар риёзатларининг барча босқичларини ўтайди. Шунинг учун ҳам аллома ўзининг кейинроқ яратган «Дастурул мулук» (Шоҳларга қўлланма) асарининг «Сафар самаралари» деб номлан-ган 17-фаслида дунё кезишнинг моҳиятини, сафар ин-сон ҳаёти ва камолоти учун катта аҳамиятга эга экани-ни гўзал, образли тимсоллар воситасида ёритиб берган. «Азизим, сафарда жуда кўп тажриба орттирасан, чек-сиз фойда кўрасан. Англаким, осмон доим баландда, ҳамиша ҳаракатда бўлгани учун ҳамма нарсадан устун туради, ер эса пастда, ҳамиша гинч гургани боис нока-сларнинг оёғи остида топталади».

Халқимизда «Мусофир бўлмасдан мусулмон бўл-мас» деган яхши ҳикмат бор. Хожа Самандар Термизий ўн йилдан кўпроқ, давом этган хориж сафарлари пай-тида катта азоб-укубатларни, муҳтожлик, сарсон-саргардонликни бошдан кечирди. Ватани, қариндош-уруғлари, ёру дўстлари соғинчи унинг кўнглини ўр-тади. Шунинг учун «Дастурул мулук» асари 18-фасл 3-ҳикматида: «Азизим, сафарда жуда катта тажриба орттириб, наф кўрадилар, деган гапларни эшитдим.

Аммо мен шундай тажриба орттирдимки, тирик эканман сафар қилишни хаёлимга ҳам келтирмайман ва дўстларимни кўриб туриш бахтини бегона юртларда бошга тушадиган азоб, қийноқларга алмаштирмайман» (12,116), деб ёзади.

Ватанга қайтиш

Самандар Термизий узоқ йиллик сафаридан сўнг Ватанга қайтмоқни ихтиёр этади. У бу ҳақда «Дастурул мулук»нинг 18-фасл 2-ҳикматда куйидагиларни ёзади: «Азизим, омилкор, ақлли одамлар ҳамиша ўз уйини, Ватанини ташлаб, тарк этиб кетмайдилар. Ким ўз хужрасини, Ватанини тарк этган бўлса, кўзидан ёши қуримайди. Улар ўзларининг туғилиб-ўсган жойларини, уйларини эслаб, қолган умрларини кўзёшлар тўкиш билан ўтқарадилар» (12,116), деб битади.

Самандар Термизийнинг ёшлик йиллари кечган Термиз шаҳри ҳамон мустаҳкам қалъа бўлса-да, энди аввалги файзи қолмаган эди. Хусусан, 1646–1647 йиллари аштархонийлар билан бобурий Аврангзеб ўртасида Термиз учун қаттиқ кураш боради. Термизни Саодатхон кўмондонлигидаги Ҳинд қўшинлари босиб олади. Шаҳар харобаликка юз тутди. Аҳоли қочиб, кўчиб кета бошлади. Шаҳар хувиллаб, шимоли шарқдаги Салавотдагина ҳаёт сақланиб қолади. Тўғри, икки йил вақт ўтган, аштархонийлар Термизни яна қайтариб олишади. Аммо у энди Балхга тобе каттароқ бир кишлокқа айланиб қолган эди. Балхнинг ўзи ҳам Бухоро хони Абдулазизхон (1645–1680) билан унинг укаси Субхонқулихон ўртасидаги 1651 йилги уруш ва қамал боис буткул вайрон бўлган, Муҳаммад Юсуф Муншийнинг «Муқимхон тарихи» асарида айтилишича, шаҳарда уй-жойлардан асар ҳам қолмаган эди. Демак, Балхга тобе Термиз шаҳрининг аҳволи ҳам уникадан яхши эмасди. Шунинг учун гарчи Самандар Термизий хориждан 1670 йиллар атрофида қайтган бўлса-

да, Термиз ва Салавотда кўп тўхтамаган кўринади. «Дастурул мулук»нинг 21-фаслида Бухоро хони Абдулазизхоннинг 1679–1680 йиллари Хоразм подшоҳи Анушахон билан олиб борган жанглари, ҳаж сафарини ихтиёр этганидан сўнг 1681 йили Субҳонқулихоннинг Бухоро тахтига ўтирганини батафсил тасвирлаганига кўра, Самандар Термизий бу даврда хонлик маркази Бухорода яшаган бўлиши керак. Асарнинг бу фасли худди Бобурнинг «Бобурнома», Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Абдулланома» (Шарафномаи шохий), Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома», Муҳаммад Юсуф Муншийнинг «Муқимхон тарихи» асарлари каби юз берган тарихий ҳодисалар, даҳшатли жанглар воқеаларини батафсил ҳикоя қилиши билан ажралиб туради. Асарда бу воқеаларнинг ўрни, иштирок этувчи шахсларнинг руҳияти, феъл-атворлари, ҳатти-ҳаракатлари, маънавий куч-қувватлари атрофлича, тўлиқ тасвирланишига кўра, Самандар Термизий бу жанглар, воқеаларда шахсан иштирок этган деб айтиш мумкин. У майдон тўла коптокмонанд каллаларни, қалъа миҳларига осиб қўйилган бошларни, қонга тўла ҳисобсиз дубулғаларни, қонда сузиб юрган ноғора чўпларини, байроқ парчаларини ўз кўзи билан кўргани боис жуда таъсирчан тасвирлайди. Абдулазизхоннинг Бухоро ва Самарқандга бостириб кирган Хоразмшоҳ лашкарига қарши жангларида иштирок этган Самандар Термизий бу собиқ хон ҳаж сафарида вафот этгач, Субҳонқулихон (1680–1702) саройида хизмат қилишни давом эттиради.

Камолот пиллапоялари

1681 йили Субҳонқулихон Бухоро тахтига ўтирган даврга келиб, Самандар Термизий саройдаги энг мўътабар, ишончли кишилардан бири сифатида танилган эди. Унинг билимдонлиги, зукколиги, давлат арбобига хос эзгу фазилатлари, донолиги

Субҳонқулихоннинг ҳам эътиборини тортмай қолмади. У энг муҳим, давлат аҳамиятига эга ишларни, элчилик вазибаларини Самандар Термизийга ишониб топширадиган бўлди. Масалан, Субҳонқулихон Бухоро хонлигининг энг муҳим марказларидан бири Самарқанд вилояти ҳокимлигини ўтар уруғидан бўлган Хожа Қулибийга топширган эди. Бироқ у кўп сонли Хитой қабилаларига ишониб, Субҳонқулихонга бўйсунидан бош тортиб, исён кўтаради. Самарқанддан чиқиб, Косон кўрғонига келиб, жойлашади.

Субҳонқулихон унга мактуб ёзиб, ўз олдига чорлаб, инсофга келишини сўраб, Самандар Термизийни кўзголони ҳузурига элчи қилиб юборади. Олим ва шоир яхши сўзлар, ёқимли ваъдалар билан унинг кўнглини хуш этиб, Косон кўрғонидан олиб чиқиб, Хўжамуборак деган жойгача олиб келади. Бироқ бир неча исёнкорларнинг дўқ-пўписалардан иборат хати ва ғаламислиги билан Хожақули айниб, Бухорога боришдан бош тортиб, яна ортга қайтади.

Субҳонқулихон бу гапдан хабар топгач, Самандар Термизийни иккинчи марта, бу гал таниқли аъён доно арбоблардан бири Хўжамберди шиғовул қипчоқ билан бирга яна Хожақули олдига юборади. Аммо Хожақули Қарши шаҳри аҳолисини талон-тарож қилиб, Хоразм хони Анушахон қабулида бўлиб, унга Бухоро хонига қарши жанг қилишини билдиради.

Анушахон олдин Самарқандни, сўнг Кеш – Шаҳрисабзни осонлик билан эгаллайди. Аниқроғи, унга шаҳарлар дарвозаларини очиб берадилар. Шунда Субҳонқулихон хаёлига Қарши қозиси, катта таъсир кучи ва обрўга эга бўлган Бадеъ мабодо душманни Қарши устига бошлаб келмасмикан, деган фикр келади. Бизнингча, бу масалада Самандар Термизийнинг қози Бадеъни аввалдан яхши билиши, балки бу масалада хонга маслаҳат бергани муҳим ўрин тутган бўлиши керак. «Ҳақиқатан ҳам олампа노ҳ каромаз китобинидек

Alisher Navoiy
2012/89
nemidagi
A 4438
O'zbekiston MK

бўлиб чиқди», деб ёзади у. «Қози Бадеъ урганчликни жону дили билан қабул этиш учун аҳд-паймон қилиб, у билан иттифоқ бўлиб, унга хат-хабарлар юбориб турарди»». Шунда Субҳонқулихон қози Бадеъни зудлик билан Бухорога чақиртиради. Унинг пойтахтга боришдан бошқа чораси қолмайди. «Қози Бадеъ хоннинг ҳалок этувчи қаҳр-газаб дарёсидан жонини омон сақлаб қолиш ва тирикликнинг нажот соҳилига чиқиб олиш учун ҳисобсиз поралар берди, барча мол-мулклари унинг хиёнати устини ёпадиган чойшаб бўлди, шу аснода хоннинг бадхоҳлик таҳдидидан кутулди», (152) дейилади «Дастурул мулук»да.

Хўш, ўша пайтлар Субҳонқулихон саройида фаолият кўрсатган Самандар Термизий қандай масъул лавозимда ишлаган? Асарнинг бир жойида шунга ишора бор. Маълумки, фазилатли вазир Мирзо Абдулбоқи девон ва Мирзо Ризо дафтар ҳасадчилар ғийбати, бўҳтони боис обрўсизлантирилиб, мансабларидан туширилгач, «хон вазирликка алоқадор бўлган ҳамма ҳужжатлар, рўйхат дафтарини девсифат, ёввойи ҳайвонга монанд пасткаш, қабихлик, ҳақсизлик соҳиби, тутқич бермайдиган чапдаст Мирзо Бекларга берди. У бахт келтирувчи қақнуснинг кузги уйига жойлашиб олганидан кейин, бадбахт, толейи паст фуқаролар учун жазо дарвозасини, одамларни хонавайрон қиладиган солиқлар эшигини очиб қўйди. Унинг мана шундай жирканч, нафратга лойиқ ҳаракатлари боис фуқароларнинг қувончи, хурсандчилиги ҳам тез ва жуда узоқ вақтга йўқолди. Мусулмонларнинг ночор аҳволи ҳақида сўзлаш девон сардори – Хожа учун худди афсунгарнинг ялиниб, деворга гапириши билан баробар эди» (154), деб ёзганига кўра, Анушахон бостириб келган талотўплар даврида Самандар Термизий девон бошлиғи бўлган.

Жангу жадаллар натижасида Анушахон буткул енгилиб, Хоразмга қайтиб кетади. Кўп ўтмай (1686 йили) у ўз ўглининг амри билан кўзларига мил торти-

либ, кўр қилинади. Сўнг ўлдирилиб, Хоразм вақтинча Бухорога кўшиб олинади. Анушахон ўрнига хон бўлган ўғли Арангмухаммад ҳукмдорлиги дам кўп давом этмайди. Шундан кейин босқинчилик ҳужумлари бир оз тўхтагандай бўлади. Аммо Субҳонқулихоннинг ҳам ўз ҳисоб-китоблари бор эди.

Самандар Термизий Субҳонқулихоннинг Балхга қилган ҳар уч юришида ҳам (1685, 1693, 1695 йиллар) иштирок этишга мажбур бўлади.

Маълумки, Балхга Субҳонқулихоннинг ўғли Сиддиқ Мухаммад ҳукмдорлик қиларди. Анушахоннинг Бухорога галдаги босқини пайтида ота балхлик ўғлидан ёрдам сўрайди. Сиддиқ Мухаммад кўшин тўплаб, йўлга чиқади. Аммо Амударёга келганида, хизматчиларининг гапига кириб, Бухорони Анушахон эгаллади, деган гапга ишониб, отасига ёрдам бермайди. Қайтиб, Балхга кетади. Бунинг устига, у отаси – мамлакат ҳукмдорининг рухсатисиз Ҳиндистонга Ҳасанхожани элчи қилиб юборади. Отасининг Балхдаги хизматкорларига муносабатини ўзгартириб, кўпол муомалада бўлади. Шунинг учун Субҳонқулихон 1685 йили ноябрнинг охири, декабр бошларида совуқ тушиб қолганига қарамай, кўшин тўплаб, Балх сари йўл олди. Бу сафар ва жанг тафсилотлари Самандар Термизий асарида батафсил ва аниқ берилган. Бу ўринда ижодкорнинг Фирдавсий каби улкан жангномалар ёзишга қодир шоирлик истеъдоди ҳам яққол намоён бўлганини кўрамиз:

*Жаҳонгир Балхдаги аҳволдан огоҳ бўлгани замон,
Нобон, кўрс ўглининг ишидан ранжиди чунон.
Роҳат, машиат уйқусин яна тарк этди подшоҳ,
Ўғил наҳотки отага мухалиф бўлса, эвоҳ.
Зафарга ўрганган оёқ тушиди узангига шу чоқ,
Отга миниб жўнади жадал, тез у Рустам сиёқ.
Учди отлар тўғи тагидан ловуллаб учқун,
Касбидан Қаршига етиб, тўхтади икки-уч кун.*

*У яна кўзгалди бахтга бўлмоқ учун муяссар,
Уйқусин кўздан қувди Балхга етмоқ учун саросар.
Дарё лабида тўхтади кечмоқни қилиб хаёл,
Кўз илгамас соҳиллар уйга толдирди хиёл.*

Шу ўринда таржимон Жаббор Эсоновнинг заҳматли меҳнатларини камситмаган ҳолда шеърлар бадият нуқтаи назардан жуда бўш таржима қилингани, санъат даражасидаги шеърлар оддий, ҳиссиз мисраларга айланиб қолганини, улар фақат мазмунни акс эттириши билангина қиймат касб қилишини таъкидлаш жоиз. Самандар Термизий байтларидаги уйноқилик, шеърый санъатлар ва бошқа фазилатлар таржимада йўқ.

Хуллас, Субҳонқулихоннинг Балхга бу сафари ўғли – Сиддиқ Муҳаммаднинг қатл этилиши билан тугайди. Бу фожиада бузгунчи, ғийбатчиларнинг асосий рўл ўйнашгани ҳам маърифатпарвар, фазилатли инсон сифатида Самандар Термизийни қаттиқ ранжитади: «Онҳазратнинг ғазаб олови, хиёнат кунида кўтарилган алангадек шу қадар зўрайдики, уни хонга яқин бўлган одамларнинг яхши, оқилона маслаҳатлари билан ҳам, шаҳзодага ён босиб, воситачилик қилган кишиларнинг чексиз илтимослари суви билан ҳам ўчиришнинг иложи бўлмади. Осмон этаги шомнинг қонли қизил ранги билан бўялиб улгурмасидан бурун Сиддиқ Муҳаммадхон ҳаётининг куёши фано ғарбига ботди – боши йўқлик оламига думалаб кетди» (173), деб ёзади Самандар Термизий.

Афтидан, Самандар Термизий ҳижрий 1100 (мил.1690) йили ҳам Субҳонқулихоннинг ишончли саркардаларидан бири Ғойибназарбий сарой билан Хуросон юришида иштирок этган. Чунки Одина Муҳаммад Девонбеги беқарорлиги, нотўғри ҳаракатлари боис Балхда норозилик, бесаранжомлик ҳукм сурарди. Ғойибназарбий яхши гаплар билан уларни тотувликка, ҳамжихатликка чақиради. Самандар Термизийнинг

батафсил тасвирларига кўра, аллома бу воқеаларнинг бевосита шоҳиди бўлган дейиш мумкин. Балхни тинчитган Гойибназарбий бошчилигидаги кўшин сўнг Хуросоннинг мустаҳкам қалъаларидан Боломурғобга йўл олади ва уни қамал қилади. Ўртада исёнчи Эрон лашкарлари билан шиддатли жанг бўлади, кучлари етмаслигини билган эронлик лашкарлар тунда ўлжаларини олиб, жўнаб қоладилар. Қалъа ҳокими Абдуллоҳ Султон таслим бўлади. Шундан сўнг Самандар Термизий ва Гойибназарбий кўшинлари билан Бухорога қайтади.

1689 йили Мовароуннаҳрда жуда қаттиқ қургокчилик бўлади. Ёғингарчилик бўлмай, булоқлар қуриб, дарёларнинг таги кўриниб қолади, экинлар кўкармай, нобуд бўлади. Жазирама иссиқда зараркуанда ҳашаротларнинг кўпайиб кетиши дард устига чипқон бўлади. Бу ҳам етмагандек, сон-саноксиз лашкарнинг тез-тез у ёқдан бу ёққа ўтиб туриши, уларни озуқа билан таъминлаш, подшоҳ фармони билан солиқларни ундириб олиш борасидаги раҳмсизлик халқнинг тинкасини қуритади.

Бизнингча, Самандар Термизий Хуросондан қайтгач, Насафда яшаб қолган. Чунки у асарда қаҳатчилик давридаги Насафнинг аянчли аҳволини тасвирлайди: «Афсус, минг афсуслар бўлсин, обод, гўзалларнинг юзи каби латиф, чиройли бўлган Насаф вилояти тақдирнинг тескари айлангани натижасида ғазабланган, дилафкор санамларнинг дийдасидан оқаётган кўзёшлари каби сочилиб, харобага айланиб қолган эди» (190).

Кейинги йили баҳор яхши келади, экинлар яхши битади. Аммо, афтидан, Насафда яшаётган Хожага хондан ҳеч қандай марҳамат бўлмайди: «Аммо фақат бу кулнинг аҳволида олдингисига нисбатан ҳеч қандай ўзгариш бўлмади, илгари қандай бўлса, шундайлигича қолаберди», (191) деб ёзади Самандар Термизий.

1693 йил январида хон яна Балхга юриш бошлайди. Ўша йили қиш жуда қаттиқ келади. Ҳамма томонни

калин қор қоплаб олади. Шу боис бошқалар каби қаттиқ совқотган Хожа Самандар Аваз Муҳаммадни ўзига яқин дўст билиб, унга: «Оҳ, ёшлик яна қайтса эди», дейди. Шунда хон билан сафарга чиққан ёшу қарилар Самандар Термизийнинг оташнафас ижодкор эканини, унинг ёзганлари кўнгилга тафт беришини таъкидлашади. Шу аснода ушбу байт ўқилади:

*Исинмоққа бу гулхандан бўлак мулку макон йўқдир,
Самандар сўзидек оташли бир роҳатижон йўқдир.*

Субҳонқулихон қиш ойлари Балхга бориб, бир қанча муддат ўша ерда бўлади. Маймана ва Бадахшондан арзга келган одамларнинг шикоят-илтижоларини тинглаб, уларнинг ишларини адолатли ҳал қилиш чораларини кўради.

Алгов-далговли кунлар

Гарчи қайси йиллар экани у қадар аниқ бўлмасда, Самандар Термизий икки марта Насаф (Қарши) музофотида дин ишлари бўйича раис бўлиб фаолият кўрсатган. Юқорида айтилганидек, милодий 1689 йилги очарчилик, қаҳатчилик пайтидаги Қарши шаҳри ва унга ёндош қишлоқ, овуллар аҳолиси аҳволини батафсил тасвирлаганига кўра, бу даврда улуг ижодкор яқин қариндош-уруғлари ва оила аъзолари билан Насафда яшаган. Қаҳатчилик йилидан олдинроқ Хожанинг қози Аваз ва кейинроқ яна шу вазифада ишлаган қози Бадеълар билан муносабатлари кескинлашиб қолади. Бизнингча, бу келишмовчиликка ҳам ўша мансаб сабабчидир. Қозилар бошқа ердан келиб дин ишлари раиси бўлган Самандар Термизийни кўролмайди. Устидан шикоят ёзиб, қариндош-уруғлари, таниш-билишлари кўплигини рўқач қилиб, уни ишдан олдиришади. Афтидан, Самандар Термизий ҳам ҳақиқий аҳволни баён қилиб, хонга шикоят-ариза ёзади. Аммо узоқ вақт ҳеч қандай чора кўрилмайди. Шунинг учун ҳам 1689 йилги қаҳатчиликдан сўнг баҳор яхши келганини таъ-

риф-тавсиф қилар экан у: «Аммо бу қулнинг (Самандар Термизийнинг – А. Қ.) аҳволида олдингисига нисбатан ҳеч қандай ўзгариш бўлмади, илгари қандай бўлса, шундайлигича қолаберди» (12, 191), деб таъкидлайди.

Ниҳоят, адолат қарор топади. Самандар Термизий иккинчи бор музофотга дин ишлари раиси этиб тайинланади. Бу хусусда Хожа дўсти, Хуросонда яшовчи қози Юсуфга юборган мактубида: «Мен Аллоҳнинг кудрати, лутфи ва марҳамати билан иккинчи марта Қарши қофасида раислик лавозимига тайинланмагунимча, душманлар қимматли келиннинг жингалак сочларини юлкилаб олишни (мендек бошқа ердан келган кишига озор беришни) тўхтатмадилар. Изтироб билан қуйлаб, ширин-шакар оҳанг таратаётган бу фақир, яъни мен бу юртнинг хушовоз булбулларидан, ширин такаллум тутиларидан ҳеч қачон ҳаёт манбаи бўлган биронта юмшоқ, нафис сўз эшитган эмасман» (12, 216), деб ёзади.

Субҳонқулихон ҳукмдорлигининг дастлабки йилларида, хусусан, Хоразм хони Анушахон бостириб келган 1686 йили Насафга Жувонбий оталиқ исмли адолатли, мард, баҳодир инсон ҳоким эди. Ундан сўнг (1693 йили) Хуррамбий ҳожи қози ҳокимлик қилган. Самандар Термизий уни мақтайди, ҳақиқий ҳокимга хос фазилатларини улуғлайди. Жумладан, «Ўзининг зийраклиги, фаҳм-фаросати, заковати билан амирликнинг қувончига қувонч қўшиб келган Хуррамбий ҳожи парвоначи ҳокимлик қилган даврда Насаф шаҳрида истиқомат қилувчиларнинг бирортасини ҳам сабабсиз, қонундан ташқари, зўрлаб жазога тортирмади» (12, 226), деб қайд этади.

Кўп ўтмай, Насаф вилояти ҳокимлиги Муҳаммаджонбий юзга насиб этади. У Хуррамбий ҳожининг тескариси эди гўё. Самандар Термизий асарда бу ҳокимнинг қилиқларини афсус билан қаламга олган: «У ҳокимлик қилган вақтларда нур тутунга, гул тиканга

хамсоя бўлганидек, мен ҳам унинг яқин кўшниси эдим. Мен унинг давр олимларига бирор яхшилик қилганини кўрган эмасман. Унинг замонида шаҳар, қишлоқ ва яйловлардаги одамлар ҳам ҳеч қачон тинчлик ва осойишталикни ҳис қилган эмаслар... Халқ Муҳаммаджонбий юз кетиб, Насаф вилояти ҳокимлиги Масъумбий ҳожи мирохур сарой Термизийга насиб этганидан кейингина бу жабр-зулмдан фориғ бўлди» (12, 230).

Бироқ шуни таъкидлаш лозим, адолатли Хуррамбий ҳожи қозилик қилган даврда ҳам, нафси бузук зулмкор Муҳаммаджонбий юз даврида ҳам, кейинроқ Масъумбий сарой Термизий ҳокимлиги даврида ҳам Самандар Термизийга нисбатан душманлик, иғво-бўхтонлар тинмайди. Қози Аваз ва қози Бадеъ каби Насафнинг туб жой аҳолисидан бўлган ва бинобарин, қариндош-уруғлари кўп маҳаллий амалдорлар нима қилиб бўлса ҳам, Самандар Термизийдан дин ишлари раиси лавозимини иккинчи марта тортиб олишга уришади. Бу йўлда ҳар қандай пасткашлиқдан, бўхтон-иғво, тухматлардан қайтишмайди. Хусусан, бу борада катта таъсир кучига, мол-мулкка эга бўлган қози Аваз қаттиқ саъй-ҳаракат кўрсатади. Буни Самандар Термизий «Дастурул мулук»нинг воқеалар баён этилган қисмида алам, ҳасрат билан қуйидагича тасвирлайди: «Аллоҳ лаънатлаган Аваз хожанинг оёғини ялаган бу бир неча ярамас, нопок одамлар эртадан кечгача, кечдан тонггача ва яна эртанги кунда ҳам мен фақирни лавозимидан бўшатиш ва қандай қилиб, қай йўллар билан менга зиён етказиш хусусида ўй-хаёл қилиш билан ўз вақтларини ўтказар эдилар... Натижада, айрим дўстларим ҳам: «Хожа Самандар раис бизнинг ортимиздан, бизнинг ҳақимизда, ҳеч нарсага асосланмай, шикоят қилиб, ҳар хил миш-миш гапларни тарқатадиган одат чиқарибди», деб мендан юз ўгира бошлашди» (12, 223).

Хуллас, охири Хожа Самандар раислик вазифасидан яна озод этилади. Тухмаг, фиску фасод таъсирида, Самандар Термизийдан баъзи танишлари, дўстлари юз ўгиришади. Унга Насафда яшаш оғирлик қилиб қолади. Бунинг устига, ҳеч ердан бирор даромад ололмас эди. Шу боис Хожа Хуросонга – дўсти Мирзо Юсуфга йўллаган номасида бу ҳақда зорланиб, қўйидагиларни ёзади: “Бу ерда (Насафда) садоқат, вафо матоси, олийжаноблик, олийҳимматлилик, виждон ва мардлик бутумлари анқо сингари ному нишонсиз йўқолган. Бу мамлакатда бад-ният, жоҳил тақдирнинг баъзан пинҳона, баъзан ошқора ўйинларидан, ҳасад, кўролмаслик, иғво юқори чўққига кўтарилганидан олимлар бозори тўхтаб, мурдадек қотиб қолди... Бу суҳбатдошингизнинг (Самандар Термизийнинг – А. Қ.) таоми, овқати – арпа нони, кийими эски жун чакмон, булар ҳам гоҳида бор, гоҳида йўқ» (12, 218).

Ҳар кимки ёмон бўлса...

Қози Бадеъ

Самандар Термизий узоқ умр кўрди, жуда кўп юртларга сафар қилди, турли масъул вазифаларда ишлади. Шу боис яхши ва ёмон одамлар: олийжаноб, имон-эътиқодли, мард, саховатли инсонлар билан ҳам, ичиқора, ҳасадгуй, манфур, соткин ва олчоқ кишилар билан ҳам кўп учрашган, ёнма-ён яшаган. Яхшиларнинг фазилатларидан, саховатидан илҳом олган, қувониб, кўнгли ўсган бўлса, ичиқора, мансабпараст, доғули, хиёнаткор, ғийбатчи одамлар қилмишидан озор топади, мансабидан, мол-мулкларидан айрилиб, сарсон-саргардонликка юз тутади. Сиртдан дўст кўринса-да, ана шундай олчоқ ва мансабпараст, иккиюзламачи, хоин ва катта таъсир доирасига, бойликка эга бўлган кишилардан бири насафлик қози Бадеъ эди.

Самандар Термизий бирор кишини илк кўрганидаёқ унинг суратига боқиб, сийратини ҳам яхшигина билиб оладиган хусусиятга эга бўлганидан бой ва такаббур,

мансабпараст Бадеъни аввалбошданоқ ёқтирмайди. Бу шахсга ишонмайди, унинг хатти-ҳаракатларини қоралайди. Хоразм хони Анушахон 1686 йилнинг апрел-май ойларида Бухоро хонлиги ерларига бостириб келиб, айрим амалдорларнинг сотқинлиги боис Самарқанд ва Шахрисабзни осонлик билан эгаллайди. Шунда, Самандар Термизийнинг гувоҳлик беришича, Бухоро хони Субҳонқулихон кўнглида мабодо Урганч хони Анушахоннинг ёлғон-яшиқ ваъдаларга ишонган қози Бадеъ душманни Қарши устига бошлаб келмасмикан деган шубҳа туғилади. Балки қози Бадеънинг феъл-атворини ва таъсир доираси кучлилигини яхши билан Самандар Термизий унга шундай маслаҳат бергандир. Ҳар ҳолда, шубҳага тушган Субҳонқулихон қози Бадеъга зудлик билан Бухорога етиб келишини амр этиб, мактуб йўлайди, чопар жўнатади. Қози Бадеъ чиндан ҳам Анушахонга мактуб юбориб, ўзи унинг тарафида эканини билдирган ва келса, садоқат билан хизмат қилишини изҳор этган эди. Самандар Термизий бу ҳақда қўйидагиларни ёзади: «Қози Бадеъ шундай бемаъни, беҳуда орзу-умидлар билан ғарқ бўлиб турган бир пайтда, Одинамуҳаммад чухра туркман оғаси қозининг адолат қибласининг даргоҳи, подшо арки бўсағасида ҳозир бўлиши ҳақидаги олампаноҳнинг фармонини келтирди. Қозида бу фармонга бўйсунилдан бошқа илож қолмаган эди, у шошилиш равишида онҳазратларининг осмонмонанд саройига қараб йўл олди».

Ўшанда қози Бадеъ хоннинг қаҳр-ғазабидан сақланиб қолиш учун ҳисобсиз поралар беради, мол-мулкни сарфлаб, бадхоҳлик таҳдидидан қутулиб қолади.

Субҳонқулихон исёнчи ўғли Сиддиқ Муҳаммад устига – Балхга юриш қилганида, кўшин сафида қози Бадеъ ҳам бор эди. Сол ва гупсарлар, қайиқлар воситасида Амударёдан нариги соҳилга – Хуросонга ўтиш пайти келганида қози Бадеънинг кўрқоклиги, ожизлиги яққол намоён бўлади. Унинг бу ҳолатини Самандар

Термизий маҳорат билан тасвирлайди: «Қози Бадеъ сўзлаган пайтда, манманлиги, калондимоғлиги боис унинг хилпиллаб турган соқоли гоҳ баландга кўтарилар, гоҳ пастга тушиб, кўкрагига урилар эди. Энди у қайиққа тушар экан, эс-хушидан айрилиб, тақдирнинг урчуғига айланиб қолди. Бу кимса кемага тушар экан, тасаввур ғаввосини ҳижолат денгизи чулғаб олди, сувда уни ваҳима, кўрқув ўраб олганидан, телбалик тутуни бошини гангитиб қўйди. Оғзидан худди чигити олиниб, саваланган пахтадек паға-паға кўпик оқиб, бир гапни қичкириб такрорлар эди: «Менинг бошим айланяпти, гангиб, йиқилиб қолишим мумкин!» (167-168). Хуллас, қози Бадеъ минг бир таҳлика, кўрқув билан дарёдан зўрга ўтиб олади.

Бой-бадавлат, таъсир кучи катта, мансаб эгаси бўлган қози Бадеъ нопоклиги, нафси бузуклиги боис бидъатга йўл очиб берган эди. У гулранг тўн кийиб, ипак салла ўраб, ташқи қиёфасига зеб бериб юрарди. Бунинг устига, у билимсиз бўлса-да, ўзини ғоят доно, олимларнинг олими қилиб кўрсатарди. Самандар Термизий ёзишча, у никоҳ ўқиётган пайтида «шурути арбаа» сўзларини «шутури арбаа» деб айтарди. Маълумки, “шутур” форс-тожик тилида туя деганидир.

Бир куни ана шу қози одатига хилоф равишда шоир дўстларини меҳмондорчиликка даъват қилиб, “Сасанга” деган боғда зиёфат тапшил этади. У овқатлар еб-ичилганидан сўнг меҳмонлардан дўстлик ҳақида ибратли дostonлар айтишларини илтимос қилади. Зиёфатда хожа Самандар Термизий ҳам бўлиб, у инсонлардаги саховат, фазлу карам хусусида фасоҳат билан сўзлайди. Қўйидаги байтни ўқийди:

*Ҳам Аллоҳ, ҳам бандаси ҳимматингга қарашар,
Булар қадру эътиборинг ҳимматингга яраша.*

Бу гаплар ва шеърдан таъсирланиб кетган қози Бадеъни олийҳимматлилик ҳаваси чулғаб олади. У

Хожа Самандарга ўнта оқ терак ёғочини беришга қарор қилиб, хат ёзиб беради.

Маълум вақт ўтгач эса, бу ишидан пушаймон қилади. Бир куни Хожа Самандар ёғочларни олишга боради. Қозининг хожа Ёқуб исмли диёнатли, ақлли ўғли бор эди. У Хожа Самандарнинг дарахт кесиш учун келиб, ишга киришмасдан тўхтаб турганини кўриб, олди-га келади ва: «Муфт сирка асалдан ҳам ширин бўлади, деган мақол бор. Нега тешага ўхшаб бошингизни ҳам қилиб, ўйлаб ўтирибсиз. Дарахтларни кесиш учун болта сингари ғайрат қилинг ёки икки тигли арра билан дарахтларни таг-тубидан қирқиш мақсадида унинг тишларини тама эгови билан тезлаб, бир бошидан кўпориб ташлайберинг», дейди.

“Фақир Хожа қанчалик тажрибали бўлишига қарамай, бу кунда унинг беҳига ўхшаш сўзларига ишониб, қозининг умид дарахтларини кесишга киришди”, деб ёзади Самандар Термизий (12, 233).

Бу пайтда қози ухлаб ётарди. Уйкудан кўрқиб, чинқириб уйғонган қози: «Шу пайтгача ҳеч кимга ҳеч нарса бермаган эдим. Бу тушимнинг таъбири шуки, шу ўн аччиқ терак чўби сабаб бошимни дорга иладилар» (12, 233). Хуллас, қози баҳона топиб, Хожа Самандар қирққан ёғочларни унга бермайди ва олиб келиб, ўз эҳтиёжига ишлатади. Қирқилган дарахтлар шохлари зарбидан боши, юзи, оёқлари тирналган, қонаган Хожа Самандар қуруқ қўл билан, чарчаган ва ранжиган ҳолда уйига қайтади.

Қози Бадёъ хасислигидан ташқари жуда очкўз ҳам бўлиб, бошқаларнинг мол-мулкини ўзлаштириб олишда ҳар қандай пасткашликдан қайтмасди. У Самандар Термизийнинг камбағал тожик қўшниси тирикчилигига яраб турган бор-йўғи бир эшагини қандай тортиб олгани асарда мароқли ҳикоя қилинган.

“Хожанинг тожик қўшниси ниҳоятда камбағал бўлганидан эшаги билан юк ташиб, рўзгорини зўрға тебра-

тиб турарди. Бир куни Қарши атрофида ўғирлик қилиб юрган бир безори тожикка:

– Бу эшак аслида меники, уни ноҳақ ўзингники қилиб юрибсан, – дейди.

Тожик:

– Сенинг даъвойинг беҳуда, агар гувоҳинг бўлса, исботлашга ҳаракат қил, – дейди.

Ҳар иккиси қози Бадеъ олдига боришади. Ўша пайт рўза ойи бўлганидан қози инсоф қилади деб ўйлашади. Сўнг ҳар қайсиси яширинча қозига ўн тангадан пора беришади.

Қози эса ҳар иккисига панд-насихат қилиб, эшакни ўзига беришларини талаб қилади. Сўнг уларни: “Бўлмаса, сизларни жабр-зулм вакиллари бўлган Саййидул Бурҳон ва кўри Абдусаломга топшираман, сизларга нариги дунёга бориш йўлини кўрсатиб қўяди”, деб қўрқитади. Қозининг ҳампиёласи бўлган кишилар, жумладан, хожа Бақойи, хожа Фозил ва бошқалар ҳам қозининг кўнглига қараб, унинг айтганларини маъқуллашади ва эшакни қозига қолдириш учун далолат қилишади. Шундан кейин безори турк ҳам, тожик ҳам эшакдан умидларини узиб, чиқиб кетишади.

Қози Бадеънинг пасткашлиги, инсофсизлиги шу даражага етадики, унинг уйида юрган асранди қизнинг бўйида бўлиб қолганида, бу ишни асли ўзи қилган бўлса-да, айбни ўгли хожа Ёқубга тақайди. Ўғлини ўша енгилтак қизга мажбуран уйлантиради. Хожа Самандар киноя билан: «Шундан кейин ўғилга ном қўйиш хусусида ўйладилар. Марям мисол бу қиздан таваллуд топган ўғилчага хожа Муштарак (икки кишининг иштироки билан туғилган ўғил) деб ном бердилар» (12, 238), деб ёзади.

Хожа Самандар Термизий ана шундай кишининг адолатли ҳукм чиқариши лозим бўлган масъул вазифада – қозилик мансабида ишлаши мумкин эмас, деб ҳисоблайди. Қозининг ҳамтовоклари бунга эътибор бермаётганини афсусланиб қайд этади.

Ҳаёт – ўткинчи. Бир куни қози оғир касал бўлиб қолади. Унинг дарди кундан-кун ортиб-оғирлашиб бораверади. Беморнинг ҳолидан хабар олгани сўфий шайх Нарзи унинг уйига келади. Қозига панду насихатлар қилади.

Аmmo қозининг феъл-атвори тўғрилиқ, адолат йўлидан тамоман четга чиққани боис уни ҳар қандай насихат дориси билан тузатиш имкони бўлмайди. Бу золим қозининг зуваласи жаҳлу кудурат билан қорилгани учун бу насихатлар унинг қалбини ёритмайди. Охири бу ношукр, кибру кудуратли, золим қози зиёратига келган шайхдан юз ўтириб:

“Мен шайх ҳаром мол топганим хусусида далиллар келтиради ва халққа зулм қилганим ҳақида ҳужжатлар кўрсатади, деб гумон қилиб ўтирибман. У бўлса, бу хилдаги бир қатор афсоналари, панд-насихатлари билан менинг бошимни айлантирмоқда», дейди (12, 241).

Бир неча кундан сўнг қози вафот этади. Қарши аҳолиси золим, бадқирдор, порахўр қозининг вафотидан хурсанд бўлганлари нишонаси сифатида дарвишона қилади.

Умуман, бу маънавий тубан, нопок одамни Самандар Термизий алоҳида нафрат билан тилга олади. Ўзининг кўп кишилар билан дўстона муносабатлари бузилишига ва бу шаҳардан кўчиб кетишига қози Бадеъ сабабчи бўлганини таъкидлаб ўтади.

Хожа Аваз

Ўзини пайғамбар авлодидан деб ҳисоблаб юрувчи ва шу боис ҳаммадан ўзини юксак чоғлайдиган Хожа Аваз Муҳаммад ҳам Самандар Термизийни ёмон кўради, ҳасад билан унга қарши ёмонликлар, фитна-фасод уюштиради.

Тўғри, илк пайтлар уларнинг ўзаро муносабати яхши бўлади. Самандар Термизий уни ўз яқинларидан, дўстларидан деб билади. Ҳатто, 1693 йил январ ойи ўрталарида, Субҳонкулихоннинг Бухородан Балхга юриши чоғида қаттиқ совуқда Самандар Термизий Хожа Авазни ўзига яқин олиб, «Оҳ, ёшлик яна қайтса эди», деб хўрсинади.

Аммо кейинроқ, Хожа Самандар Насаф музофотида дин ишлари раиси лавозимида ишлаган кезлари Қаршида яшаган Хожа Аваз билан муносабатлари кескинлашади. Чунки «Замонамиз кишилари яхши қобилиятга ва қобилият самарига — мевасига ҳасад билан қарашга одатланишган. Улар қалбининг имтиҳон тошида бу қобилиятнинг нақд дурдоналарига — олтинларига қарши доимий равишда душманлик, кўролмаслик, адоват, ҳасад ўрнашиб қолган. Чунки менинг сўзларимнинг ёқимли шабадаси уларнинг ғийбат гулхонасидаги ёруғликни қоронғи зимистонга айлантирарди, уларнинг дил ойнаси менинг ёрқин, латиф ифодаларим (сўзларим) боис янада кўпроқ занг билан қопланарди. Шу сабаб менинг нурафшон кунларим тун тагида қолиб кетди» (12, 216), деб битади Хожа Самандар.

Гарчи Самандар Термизий бу ерда ғанимлари — ўзини кўра олмайдиган игвогарлар, ғийбатчилар кимлар эканини очиқ айтмаса-да, бўлар Қози Бадеъ ва Хожа Аваз ҳамда уларнинг ҳамтовоқлари, яқинлари бўлганини билиб олиш қийин эмас. Самандар Термизий

асарининг бошқа бир ўрнида Хожа Авазнинг қандай одамлигини очиқ-ойдин кўрсатади. Унинг кирдикорларини тилга олади: «Аваз хожанинг ярамаслиги, жирканч ва пасткашлик аломатлари ички рухиятида, калтафаҳмлиқ, бемаънилиқ белгилари эса унинг ташқи қиёфасида, афт-ангорида рўй-рост кўзга ташланиб турарди. У ўзини Мирҳайдар саййидлари қаторига кўшса ҳам, ундаги олийжаноблиқ, олийҳимматлилик туғма табиатига хос бўлган қабиҳлиқ, разиллиқ билан қоришиб кетган эди...

...Аваз хожанинг оёғини ялаган бир неча ярамас, нопок одамлар эртадан кечгача, кечдан тонггача ва яна эртанги кунда ҳам мён фақирни лавозимимдан бўшатиш ва қандай қилиб, қай йўллар билан менга зиён етказиш хусусида хаёл қилиш билан ўз вақтларини ўтказар эдилар.... Натижада, айрим дўстларим ҳам: “Хожа Самандар раис бизнинг ортимиздан, биз ҳақимизда, ҳеч нарсага асосланмай, шикоят қилиб, ҳар хил миш-миш гапларни таркатадиган одат чиқарибди”, деб мендан юз ўгира бошлашди», (12, 222 – 223) деб ёзади.

Хуллас, қози Бадъ ва хожа Аваз каби рақибларининг иғвою ҳасади, ножоиз хатти-ҳаракатлари боис Самандар Термизий оиласи ва қариндош-уруғлари билан Насаф шаҳридан кўчиб кетишга мажбур бўлади.

Самандар Термизий ва Хожа Юсуф мактублари

Самандар Термизий «Дастурул мулук» асарига дўсти ва маслакдоши, Балх вилоятида қози бўлиб ишлаган Мирзо Юсуфга ёзган мактубларини (4 та мактуб, кириш қисм, бир лавҳа ва бир воқеани), Мирзо Юсуфнинг 3 та жавоб хатини ҳам киритган.

Самандар Термизийнинг мактублари давр анъаналаридан келиб чиқилган ҳолда фасоҳатли тилда, образли ва ўхшатиш, истиора, муболағалар қўлланиб, мақол ва ҳикматли сўзлар, байтлар билан безатилган ҳолда, анъанавий юксак кўтаринкилик, жўшқинлик билан ёзилган. Муаллиф ўзи ва қози Юсуфнинг номалари ҳақида тўхталар экан, сўз санъатининг ранг-баранг товланишларига катта эътибор берганларини таъкидлайди: «Бу икки фақир теша билан тоғни қазилганидек, сўз ҳақида, сўзлаш услуби хусусида уйлаган, бош қотирган бир касб соҳиблари эдик. Бизлар имкониятларимиз даражасида сўз коптогини чавгон таёқчасининг эгри учи билан илиб олиб, сўз билан Мовароуннаҳр боғларини суғоришга эришдик. Биз иккимиз фикр хиёбонидаги сўз гулхонасида қофияли насрий асарнинг ва тажнислар сабзаси-майсасининг сув етишмаслиги сабабли қуриб, қовжираб қолмаслиги учун ҳаракат қилдик» (12, 211), деб ёзади.

Шуниси диққатга сазоворки, бу икки дўст, маслакдош инсонлар мактублар орқали шакаргуфторлик қилишган, бир-бирларининг кўнгилларини кўтариб, руҳий мададкор бўлишган, ўз юртларида рўй берган янгилик-ўзгаришлар ҳақида хабар беришган, кишиларга ва воқеаларга муносабатларини билдиришган. Айни пайтда сўз санъати бўйича бир-бирларига маҳоратларини намоёиш этишган. Шунинг учун ҳам Самандар Термизий «Мирзо Юсуфнинг меҳр-муҳаббат ила тўлиб-тошган ёқимли хатларини кўрганимда ме-

нинг ҳасрат билан хасталанган қалбим учун шодлик ва қувонч дарвозаси очиларди» (12, 211 – 212), деб ёзади. У дўстига ёзган мактубида: «Сенинг хатингни ўқишим билан кўнглимда дўстлик дарахтининг меваси, шодлик ва қувончнинг янги майсалари пайдо бўлди, ижод гуллари юз кўрсатди, одамлар ҳам кела бошладилар» (12, 213), деб таъкидлайди.

Шуни қайд этиш керак, Хожа Самандар Термизий ва Мирзо Юсуфнинг бир-бирларига ёзган мактубларида ахборот-воқеалардан кўра, воқеа тафсилотини ифодаловчи шеърӣ, лафзий санъатлар кучлидир. Чунки бир-биридан анча узоқ бўлган қарши ва Балх вилоятида рўй берган, ушбу ҳудуд аҳамиятига эга янгилик ва ахборотлар улар учун ҳал қилувчи, муҳим эътиборга лойиқ эмасди. Шунинг учун улар кўп воқеаларни, дўстига нотаниш кишилар ҳаётига дахлдор воқеа-ҳодисаларни четлаб ўтишади. Кекса тарих олдида уларни арзимас, қаламга олиш даражасида бўлмаган воқеа-ҳодисалар сифатида баҳолаб, ўз номларида қайд этишмайди. Хатлар, асосан, икки буюк қалб, ижод соҳибининг бир-бири тириклигидан хушнудлиги, амалга оширган эзгу ишлари тафсилоти, бир-бирига бўлган ҳурмат-эҳтироми ва дўстининг энг яхши фазилатларини очиш, мадҳ этиш тафсилотидан иборатдир.

Самандар Термизий ва Хожа Юсуфнинг мактублари XVII – XVIII аср номаларининг юксак сўз санъатига, жимжимадорликка, мажозий-қочирим, икки маъноли сўзлар орқали мурожаат қилиш анъаналарига, хуллас, анъанавий мактуб жанри услуб-усулига ҳос тарзда битилган. Уларни ҳаётӣ воқеа-ҳодисалар ифодаси сифатида эмас, кўпроқ нома жанрига ҳос бадиий ижод намунаси сифатида қабул қилиш жоиздир.

Хожа Самандар Термизий мактубларида ҳам тарихчи, ҳам етук шоир, ҳам нома битувчи оддий фуқаро, ҳам барча воқеа-ҳодисаларга танқидий кўз билан қаровчи киши сифатида намоён бўлади.

Шуниси диққатга сазовор, Самандар Термизий мактубларининг ҳар бири китобхонда кичик бир ҳикоя сифатида таассурот қолдиради. Ундаги айрим воқеа-ҳодисалар ўзининг тили, бадиий ифода услуби, кишилар хусусияти – образларини чизиш жиҳатидан кичик, аммо юксак бадиий асар даражасига кўтарилгандир. Бу жиҳатдан унинг замондоши Аваз хожанинг сурати ва сийрагини акс эттирувчи «Воқеа» деб номланган кичик бир ҳикоя диққатга сазовордир. Моҳир ижодкор бу ҳикояда ҳам тарихчи, ҳам етук табиб, ҳам диний маърифат йўлидан оғишмайдиган етук инсон сифатида намоён бўлган. У Хожа Юсуфга ёзган мактубининг «Воқеа» қисмида ўзини саййидлар силсиласидан деб биладиган, амалда эса боши қовоқари уясидек гувиллаган, бўм-бўш, маънавият жабҳасида ўз ўрни ва овозига эга бўлмаган Хожа Авазнинг қилмишларини бадиий юксак буёқларда фош этади, унинг қилмиш-қидирмишларини қаттиқ қоралайди. Бу нопок кишининг оёғини ялаган, хушомадгуй кишилар қилмишини қаламга олиб, замона шундай нопоклар айтгани бўйича кетаётганини афсус-надомат билан қаламга олади. Баъзи калтафаҳмлар хожа Аваз таъсирига берилиб, соф виждонли, билимдон ва кенг фикрли Самандар Термизийдан юз ўгириш, унга тухмат қилиш йўлига ўтадилар. «Охир-оқибатда, тақдир шундай бир ҳолатни туғдирдики, мен билан мухолифларим орасида яқинлашув муроса эшиги тамоман ёпилиб, бир-биримиз билан бегоналашиб кетдик, қисмат муносабатларимиз риштасини шундай қирқиб ташладики, юз йил ўтса ҳам бир-биримиз билан ярашиш хусусида фикр бошимизга келиши мумкин эмасди» (12, 223), деб ёзади.

Хожа Юсуфнинг биринчи мактуби рамазон ойида ёзилган. У рўза ойининг қутлуғлигини, рўза тутганларнинг қалби покланиши, рамазон тугаганида қалблари роҳатланишини таъкидлайди. Мактубига ажойиб китъасини ҳавола этади:

Сендан узокдаман рўзадор каби,
Лабларим куриган, кўзларимда нам.
Боладек кутаман шом намозини,
Тоқат тоқ, ёнади ичим дамба-дам.

Хожа Юсуф одамзотга Аллоҳ таоло инъом этган тилнинг улуглигини, қаламнинг чексиз ҳамду саноларга лойиклигини тараннум этади. Фасоҳатли тил ва ўткир қалам соҳиби бўлган Самандар Термизийдек улуг дўсти борлигидан, ўзига ҳамдамлигидан боши осмонда эканини қайд этади: «Сен ёқимли сўз денгизида туғён ураётган хушовоз булбул, бир бўлак қандсан, сен ловуллаб ёнаётган сўз ўчоғи оловида чакнаётган учкунларни ўз ичига қамраб олиш учун яратилган қайноқ эҳтиросли муҳаббат тилининг алангасисан» (12, 213), деб ёзади. Бу билан дўстининг таҳаллуси “Самандар”га (оловда ёниб, қайта тириладиган куш) ҳам ишора қилади.

У бошқа бир мактуби бошида ҳам яна шу сўзга эътиборини қаратади: «Чанг, тўзон ва тупроқ билан қопланган самандарлар жисми ва қалби бурқсиб, тутаб, алангаланиб, ёниб турар экан, замон булбулига инъом этилган бу нурли бўстон гулзори билим боғининг ҳақиқий, асосий меваси бўлган гўзал, латиф сўзлар суви-шарбати воситасида суғорилиб, уни вояга етказиш ва парвариш қилиш давом эта беради» (12, 215), деб таъкидлайди.

Мактубларининг тили, уларда берилган қитъа ва байтларга кўра, Мирзо Юсуфнинг ҳам билимдон ва фикр доираси кенг, ҳозиржавоб, қалами ўткир инсон бўлгани кўринади. Афсус, унинг бирор-бир йирик асар ёзган-ёзмагани бизга номаълум. Аммо хатларининг ўзи ҳам бу инсоннинг иқтидори қай даражада эканидан далолат, Самандар Термизий бобомиз ўз мавқеи, тушунча-билими, меҳр-муҳаббати даражасига муносиб дўст ва маслакдош топганидан дарак беради.

Сарсон-саргардонликда

XVII асрнинг охирида Самандар Термизий етмиш ёшни қоралаб қолган эди. Насафдаги нотинчлик, хожа Аваз бошлик бир гуруҳ, нобоп таъсири баланд кишиларнинг қилмишлари туфайли кўплаб дўст-биродарлари Самандар Термизийдан юз ўгиришади. Хожа Аваз унга тухмат қилади. Гўё Самандар Термизий кўп обрўли кишилар устидан хон саройига шикоят қилиб, ариза ёзиб юрибди, деган бўҳтонни юклайди. Афсус, баъзилар хушомад юзасидан, унга эргашса, баъзилар унинг гапларига ишониб, Самандар Термизий билан юз кўрмас бўлиб кетишади. Бу муносабатлар кундан-кунга чигаллаша боради. Натижада, ёши бир жойга бориб қолган Самандар Термизийни Ватан тупроғи ўзига торта бошлайди. Айни пайтда Қаршида яшаш ҳам оғирлашиб қолади. Тахминимизча, 1700 йили Самандар Термизий яқин қариндош-уруғлари билан ўз юртига кўчишга қарор қилади. У бу ҳақда раис Абулатога билдиради: «Ул кунким, чаманзор гулхонаси базмининг андалиби раис Абулато менинг жудолик ихтиёр этганимдан дард-аламлар чекиб, майин товуш билан нолиш қилиб, йиглаб деди:

*Аччиқ йиғиларни дийдамиздан уйқу олиб кетди,
Ширин ухлар эдик биз, уни кўзёши юеиб кетди (12, 221).*

Ўшанда Бухоро тахтига Убайдуллахон ўтирган бўлиб, у ҳар қанча ҳаракат қилмасин, ҳукмдорлик жилловини маҳкам қўлга ололмай, беқлар амалдорлар орасида ўйинчоқ каби бўлиб қолади. Мамлакатда тинчлик йўқолди. Бухоро, Насаф ва Термиз каби шаҳарларда қабилавий урушлар кучаяди. Шунинг учун ҳам Самандар Термизий юзга яқин қариндош-уруғлари, муридлари билан кўч-кўронини ортиб, жануб томон йўл олади. Бу пайтда Убайдуллахон, Маҳмуд қатағон,

найман ва кўнғирот беклари орасидаги келишмовчилик, жангу жадаллар сабаб Термиз хароб ҳолга тушган, аҳолининг асосий қисми Салавот (Солиҳобод) қишлоғига кўчиб ўтган, бир қисми эса Шералихон бошчилигида Шерободга кетиб қолган эди.

Самандар Термизий оила аъзолари ва қариндош-уруғлари билан нисбатан тинч ва обод Ҳисор беклиги маркази Ҳисори Шодмонга йўл олади. Бу ерда у шаҳарга эмас, Хонақоҳ қишлоғига келиб тушди. Дастлаб, Ҳисор беги билан ораларидаги муносабат жуда яхши эди. Бек Бухоро хонлари саройида хизмат қилиб, доврुक қозонган, китоблар ёзган ва Насафда ҳам икки бор диний ишлар раиси бўлиб ишлаган, саййидлар силсиласидан бўлган Самандар Термизий қалбига йўл топишга, у билан яқин бўлиб, бордикелди қилишга интилади. Кимнингдир маслаҳати билан бўлса керак, бек Хожа Самандар билан қариндошлик ипларини боғлашга аҳд қилади. У Самандар Термизийнинг кичкина қизи Бибиширинга ғойибона ошиқ бўлиб, уни никоҳига олишга уринади. Бир неча бор совчи юборади, аммо Хожа Самандар саййидлар авлодидан бўлгани боис бекка рад жавобини беради. Натижада, бек билан ўрталарида келишмовчилик бошланади.

Бек, агар Хожа эшонлар авлодидан бўлса, қароматини кўрсатсин, деб ғазаб қилади. Шу боис Хожа ривоятларга кўра, қорга хандалак уруғи экиб, қаҳратон қишда хандалак етиштириб, бекка юборади. У эса бу билан ҳам қаноатланмай, Бибиширинга зўрлик билан уйланмокчи бўлади. Шунинг учун хожа Самандар Термизий бир кечаси қариндош-уруғлари ва муридлари билан Ҳонақоҳдан кўчиб, ўз юрти сари йўл олади. Кўп ўтмай, бундан хабар топган бек одамлари улар ортидан тушади. Хожа Самандар Термизий, бекни яна бир бор огоҳлантирай, деб йўлда нон пишириб турган аёлнинг тандир косовини олиб, ерга сукади. Косов ўрик дарах-

ти бўлиб, ўсиб – барг чиқариб, меваси пишпади. Аёлга: бу дарахтни ва зардолини бек одамлари келса, уларга кўрсат, бизни таъқиб қилмасинлар, дейди.

Бек одамлари келганида, аёл кароматли Хожа орқасидан қувмасликни, таъқиб қилмасликни маслаҳат беради. Аммо бекдан қаттиқ топшириқ олган унинг лашкарлари орқага қайтмайдилар.

Хожа улар етиб келмасидан бурун тезоқар, серсув Кофарниҳон дарёси ёқасига келиб тўхтайтиди. Дарёдан ўтишса, таъқибчилардан – бек одамларидан кутулишарди.

Хожа Самандар дарёга: “Йўл бер”, деб айтади. Дарё йўл бермайди, иккинчи бор айтганида ҳам дарё йўл бермайди. Шунда Хожа дарёга қарата: «Кифир экансан-ку», дейдилар. Шундан сўнг дарё уларга йўл беради. Хожанинг бола-чақалари, қариндош-уруғлари ҳеч бир ери ҳўл бўлмасдан дарёдан ўтишади. Тасодифан хожанинг бир одами нариги соҳилда қолиб кетади. Шунда Самандар Термизий у кишига: «Ўша ерда менинг ҳассам бор, шуни миниб ўтинг», дейди. Ҳалиги одам хожанинг ҳассасини миниб, дарёдан ўтади. Баъзи ривоятларда хожанинг: «Кифир экансан-ку», деган сўзи кейинчалик оммалашиб, ҳозирги “Кифарниҳон” ҳолига келгани айтилади.

Она юрт тупроғида

Хожа Самандар ва унинг одамлари дарёдан ўтишганидан сўнг Сурхондарёнинг ўнг қирғоғидаги-ҳозирги Қумқўрғон тумани ҳудудида жойлашган Македон кўприги яқинига келишади. Бу кўприкни Абдуллахон II қурдирган бўлиб, ҳали янги эди. Хожа аҳолиси кўп, одамлар анча обод, яхши яшайдиган, шунинг учун ҳам хон ана шундай мухташам кўприк барпо эттирган бу даҳага келиб, Маслаҳаттепа деган жойга тушадилар. Ушбу тепалик атрофларида Хожанинг насллари ва яқин қариндош-уруғлари, уларнинг авлодлари XX асрнинг 30-йилларига қадар деҳқончилик қилиб келишгани маълум.

Хожа Самандарнинг кўчиб келгани хабари бу ерлар ҳокими, Бойсун бегининг қулоғига бориб етади. У кексайиб, ёши етмишдан ошиб қолган Самандар Термизийни тинмай хузурига чорлай бошлайди. Унинг навкарлари Қумқўрғонга Хожани олиб кетишга келганларида, Самандар Термизий қорни ковлаб, иккита ҳандалак олади-да, бекка обориб беринглар, мени тинч қўйсин, дейди. Аммо бу каромат туфайли уни кўришга иштиёқи ошган бек яна навкарларини юбориб, “Зўрлик билан бўлса ҳам, олиб келинг”, дейди. Хожа бек унинг кароматига ишонмаганини фаҳмлайди.

Зўрлик билан Бойсунга олиб борилган Хожа бек қабулига йўл олади. Самандар Термизийнинг бир чақирганида келмаганидан аччиқланган бек аъёнларига: «Хожа кириб келганида, бирортанг ҳам ўрнингдан турма», деб буюради. Аммо хожа қабулига кириб борган вақтда, бошқалар қолиб, бекнинг ўзи ирғиб уридан туриб кетади ва Самандар Термизийнинг олдига югуриб боради.

Мулозимлар «Бегим, нега бундай килдингиз, бизга жойларингдан турманглар деб буюриб, ўзингиз туриб

кетдингиз?» деганларида, бек: Хожанинг салласидан чикиб турган аждаҳони кўрмадиларингми? деган гапни айтади. Шундан сўнг Самандар Термизийга тан берган бек: “Тиланг, тилагингизни”, дейди.

Хожа: Мен келиб тушган жойда тўқай бор экан. Ўша ерни менга берсангиз, қариндош-уруғларим билан ўзлаштириб, деҳқончилик қилсак”, деб сўрайди. Бек унга рухсат беради.

Хожа қариндош-уруғлари билан келиб тушган жой ҳозир ҳам “Карвонтушди” номи билан аталади. Ушбу жойни Самандар Термизий макон қилиб олади. Тўқайдаги сувларни қуритиб, қамишларини ўрдириб, суғориладиган ер очади. Чорвачилик ва деҳқончилик ишларини ривожлантиради. Хожа Самандар тўқайларни қуритиб очдирган ерлар ҳозирги Қоптўғай, Токтўғай, Бедовтўқай, Жалойир ва Карвонтушди қишлоқлари худудига тўғри келади.

1705–1712 йиллари бу ерлар обод бўлиб, экин етиштирила бошлайди. Бек одамлари келиб, Хожадан ер-сув учун солиқ тўлашни талаб қилганларида, у Пайгамбар авлоди бўлгани учун ҳар қандай тўловдан озод этилсин деб, Бухоро хони берган васикани кўрсатади, солиқ тўламайди.

Ҳамқишлоқларим ва қариндош-уруғларимизнинг хикоя-ривоятларига кўра, у киши катта ер-сув соҳиби бўлганига қарамасдан, қўл остидаги деҳқонлар билан баб-баравар меҳнат қилган, олинган ҳосилни тенг бўлган, ўз одамлари, деҳқонларидан ортиб қолган дондун ва бошқа нарсаларни бева-бечоралар, етимларга тарқатиб берган. Бу ишларда у замондоши ва ҳамюрти, худди шу пайтда Катта Вахшивор қишлоғида яшаб, деҳқончилик, боғдорчилик билан шуғулланган ва 1711 йили вафот этган Сўфи Оллоёр каби иш тутади. У ҳам, Сўфи Оллоёр ҳам устозлари Баҳовуддин Нақшбанднинг «Дил ба ёру даст ба кор» (Дилинг Аллоҳда-ю, қўлинг ишда бўлсин) деган ҳаётий шиорига амал қилишган.

Замондоши Малехо Самарқандийнинг маълумотига кўра, Самандар Термизийнинг ўзи сўфийлар каби бошида жун қалпоқ ва йиртиқ салла, эгнида оқ жулдур либос, жуда юпун яшаган. Бойликка хирс кўйишни гуноҳи азим деб ҳисоблаган.

Пок яшагани, қалби хайру саховат, меҳр-муҳаббат нури билан тўлгани, умрини очик ҳавода меҳнат билан ўтказгани сабаб Самандар Термизий ҳам бобокалони Ҳаким Термизий каби ўзоқ умр кўради. Замондоши Малехо Самарқандийнинг «Музақкирул асҳоб» тазкираси хошиясидаги «Хожа Мулло Бақои Самандари Насафий «Анисул фуқаро»ни 1147 (1734) йили ўз қўллари билан ёзганлар», деган фикри эътиборга олинса, у киши 1734 йили ҳам ҳаёт бўлганлар. Ҳар ҳолда, шу санадан кейин тахминан 5–6 йил ичида вафот этганлари ҳақиқатга анча яқин.

Вафот этгач, Хожа Самандар Термизийни дастлаб, Сурхон дарёси бўйига дафн этишган. Аммо бобомиз дафн қилинган жойни аста-секин дарё тўлқинлари ола бошлайди. Ота-боболаримиз ҳикоя қилишларича, бир марта у кишининг қабридан: «Мени дарё олиб кетяпти, суякларимни йиғиб, юқорига чиқариб, дафн этинглар», деган овоз чиқади. Шу боис бобомизнинг авлодлари ва муридлари у кишининг суякларини йиғиб, юқорига чиқариб, дафн этишади. Тепаликда дафн этилган Хожа Самандар Термизийнинг қабри ҳозир Кумқўрғон тумани Қоптўғай қишлоғи катта мазоридадир. Бу қабр билан боғлиқ қизиқ ва ибратли бир воқеани «Дастурул мулук» таржимони Жаббор Эсонов китоб сўзбошида кекса отахон Нурхон Қобилов тилидан ҳикоя қилган (10-11).



Хожа Самандар Термизий қабрининг мустақилликдан олдинги кўриниши.




Хожа Самандар Термизий қабрини қандай таъмирлаш борасида алломанинг 7-авлод набираси ҳожи Адмадхон Абдуҳолиқхон ўгли маслаҳат берган (1994 й).




«Хожа Самандар Термизий» қабристони.



Қабристон дарвозаси




Хожа Самандар Термизий мақбараси.



Хожа Самандар Термизий қабри.



*Маҳмудхон Қаюмов.
Самандар Термизийнинг
7-авлод набираси, «Сурхон»
сув таъминоти корхонаси
бош муҳандиси*



*Қурбонхон Маллаев.
Самандар Термизий-
нинг 7-авлод набираси
нафақадаги доришунос*



*Бахтиёрхон Исмоилхон
ўғли. Самандар Термизий-
нинг 7-авлод набираси,
тадбиркор. Ушбу китоб
ҳомийларидан бири*



*Қўлдошхон Наримонхон
ўғли, Самандар Терми-
зий 7-авлод набираси,
Жарқўргон туман марка-
зий ўйингоҳи бош
инструктори*

Хожа Самандар Термизий авлодлари

Хожа Самандар Термизий ва унинг авлодлари Имом Хусайн орқали пайгамбаримиз Муҳаммад Мустафо (алайхиссалом)га бориб боғланишади. Уларнинг аждодлари шажараси бундай кўриниш олади:

Пайгамбаримиз Муҳаммад (а.с) у зотнинг кизи Фотима, набираси Имом Хусайн, Зайнулобиддин (Имом Хусайннинг ўғли), Ҳасан ал-Амир, Аъло ал-Мулук, амир Саййид Али Акбар Термизий, Шох Мирзо Гадоӣ Саййидхожа, Саййид Мирзо Лапасхожа, Саййид Бақо Эшон (Хожа Самандар Муҳаммад Бақо Термизийнинг отаси), Хожа Самандар Муҳаммад Бақо Термизий. Демак, “Бақо” адибнинг эмас, балки отасининг исмидир.

Термиз Давлат университети доценти, тарих фанлари номзоди Жалолиддин Мирзо саййидлар сулоласи ҳақидаги илмий тадқиқотида Хожа Самандар Термизий шажарасини қуйидагича берган: Амири Бузрук (Аъло ал Мулук), шох Али Акбар, Мирзо Муҳаммад Мирак, Мирзо Шох Носир, Мирзо Шох Хусрав (беш ўғли бўлиб, кенжаси Мирзо Бақо бўлган).

Адибнинг тўла номи Хожа Самандар Муҳаммад Бақо Термизий бўлган. Ривоятларда унинг Пошшоҳон, Ўзбекхон, Пошшойимхон, Абдукаримхон исмли тўрт нафар ўғли ва уч кизи бўлгани айтилади. Катта кизи Шеробод хўжаларидан бирининг ўғлига тушган. Ўртанча кизи ўзлари яшайдиган Қоптўғайда истиқомат қилган. Кенжа кизи Бибиширин исмигина бизга маълум. У ҳам Ҳисор бегининг Бибиширинга ғойибона ошиқ бўлиб, совчи юборгани муносабати билан тилга олинади. Бибиширин Қободиён хўжаларидан бирига турмушга чиққан.

Баъзи ривоятларда Самандар Термизийнинг Искандар Термизий ва Қаландар Термизий каби биродарлари ҳам бўлгани, Искандар Термизий нотинчлик пай-

ти акаси изидан Қашқадарё воҳасига кўчиб, дастлаб Ғузорда, кейин Китобда истиқомат қилгани, авлодлари ҳали ҳам ўша жойларда яшаши айтилади. Қаландар Термизийнинг қабри эса Термиз шаркидаги Салавот қишлоғидан Жарқўрғонга бораверишда, шимолишарқ тарафда – қумликлар ичида экани тилга олинади.

Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон, Қумқўрғон, Қизирик туманларида Хожа Самандар Муҳаммад ибн Бақони пир сифатида тилга олишади, хурмат қилишади. Балки силсилаи шарифга кирган ҳазрати Муҳаммад Боқий бизнинг бобомиз бўлиши ҳам мумкин.

Хожанинг авлодлари ўша даврдан ҳозиргача Қумқўрғон, Жарқўрғон, Қизирик туманларида яшаб келишган. Улар орасидан кўплаб дин пешволари, олимлар, зиёлилар етишиб чиққан. XX асрнинг 30-йилларига қадар Бухородаги машҳур Мир Араб мадрасасида Самандар Термизий авлодларидан 25 киши таҳсил олган. Улардан бир нечасининг илмий салоҳияти юксак бўлгани ва кўрсатган қароматлари ҳақида эл оғзида нақллар юради.

Шулардан бири Самандар Термизийнинг тўнғич ўғли Пошшоҳоннинг набираси қози Ғиёсдир.

Қози Ғиёс ибн Абдурахмон ибн Пошшоҳон ибн Хожа Самандар Бақо 1838 йил Қоптўғай қишлоғида туғилган. Ёшлигида маҳаллий эски мактабларда билимини оширган Ғиёсиддин Бухорога, Мир Араб мадрасасига йўл олади. У бу таълим даргоҳида 20 йил мобайнида дунёвий ва диний илмларни пухта ўрганadi. Ўшанда мадрасани аъло даражада битирган Ғиёсиддин эшон ҳақида Бухоро хонига: “Термиз томондан келган бир муллаваҷча бутун илмларни олиб кетяпти”, деб хабар қилишган. Бухоро хони мулла Ғиёсиддинни ёнига чорлаб, сен мамлакат марказининг қозикалони бўласан, деган талабни қўяди. 20 йил Бухорода ўқиб, мусофирлик, йўқчилик жонига теккан, юртига қайтиб, ўйланиш, тинч яшаш ва деҳқончилик билан шуғулланиш, бобоси каби

нақшбандийлик асосида турмуш кечириш иштиёқида бўлган мулла Фиёс бу таклифга рози бўлмайди. Аммо уни мажбуран уч йил муддатга бир пайтлари бобоси дин ишлар раиси бўлган Насаф музофотига қози қилиб юборишади.

Қози Фиёс уч йил муддат Насафда адолат билан қозилик қилгач, ўз юртига қайтади ва қозилик ишини давом эттиради. Ўта маданиятли ва маърифатли, Баҳовуддин Нақшбанднинг ҳақиқий издошларидан бўлган Қози Фиёс Хожа Самандар Термизий авлодлари бўлган барча эшонларга мурид овлашни таъқиқлайди. Ким бу қондани бузса, 75 дарра урдириб, жазо беришини айтади. Адолатли Қози ҳақиқат йўлида, ҳатто, яқин қариндош-уруғларини ҳам аямайди. Масалан, укаси Сўфихон қонунни бузиб, мурид овлагани учун уни 75 дарра урдириб, 6 ойлик узоқ йўлга бадарға қилишга ҳукм чиқаради.

Қози Фиёс 1893 йили 55 ёшида Қоптўғай қишлоғида қазо қилади. Унинг қабри бобоси Самандар Термизий номидаги қабристонда. Қози Фиёс билан боғлиқ яна бир ҳайратланарли воқеа шуки, у вафот этган кечаси Хожа Самандарнинг катта ўғли Пошпоҳоннинг яна бир таниқли набираси Абдуҳолиқхон дунёга келади.

Абдуҳолиқхон Низомхон ўғли 1893 йили Қоптўғай қишлоғида таваллуд топган. Дастлаб, маҳалла муллалари кўлида таълим олган Абдуҳолиқхон кейин барча аждодлари каби Бухородаги Мир Араб мадрасасида узоқ йиллар таҳсил олади. У барча диний ва дунёвий илмларни мукамал эгаллаб, авлиёсифат, пок нафасли, улуғ киши бўлиб етишади.

Абдуҳолиқхон эшоннинг нафаси ўткирлиги, имонли-диёнатли, покиза лукмали инсон бўлгани боис қаромат соҳибни экани хусусида ёши улуғ кишилар оғзида ҳайратомуз – ибратли гаплар юради. Масалан, қишлоғимизда яшовчи Файзуллахон Ботирхоновнинг айтишича, 1970 йил ўрталарида у 77 ёшли Абдуҳолиқ-

хон билан Термиздан, бир яқин оғайнисининг жанозасидан қайтаётган бўлган. Исмоилтепага келганимизда, домла: “Машина рулини Какайди кўрғонига буринг”, дедилар, деб эслайди Файзуллахон Ботирхонов. Шундай қилдик.

Какайди кўрғонида яшовчи Тўрахон Ҳафизовникига бордик. Бизни яхши кутиб олишди. Бир-икки соат ўтирдик, зиёфат катта бўлди. Кейин йўлга чиқдик. Ташрифимиздан хурсанд бўлган Тўрахон Абдухолиқхонга кўп сарполар бериб, бизни кузатиб кўйди.

Бу ерга нима учун келганимизни билмай, бошим қотди. Орадан ўн кун ўтгач, Тўрахонни кўриб қолдим. «Ўша куни қандай тадбирингиз бор эди, Сиз ҳам бир оғиз бир нарса демадингиз, Абдухолиқ домла ҳам айтмадилар», деб сўрадим.

Тўрахон кулди-да: «Абдухолиқ домлани уйга таклиф қилганимнинг сабаби мен бир ойлар чамаси тунлари ухлаёлмай чиқдим. Кўзим юмилди дегунча бир одам келиб, менга пичоқ санчар эди. Кундуз кунлари елкамдан бир нарса босиб юрарди. Абдухолиқ домла эшикдан киришлари билан бу дарддан бутунлай фориг бўлдим. Шунинг учун ҳам домлага ҳеч нарса демай, кузатиб кўйдим”, деди.

Мулла Абдухолиқнинг дами ўткирлиги ва каромат сохиби эканлиги ҳақида Қоптўғай ва кўшни Сийроқ қишлоқларида оғиздан-оғизга кўчиб юрадиган бир гурунг бор. Сийроқ қишлоғилик Омонтурди бобонинг жунунлик касалига мубтало бўлган бир қизи бўлган. Бобо қизини ўқиб кўйиш учун Абдухолиқ домлани уйига таклиф қилади. Домла кечаси билан кўрпа устида чопон ёпиниб, дуолар ўқиб чиқибди. Тонг отганида, уйига қайтишга отланибди. Ундан: “Нега қизимни ўқимадингиз?” деб сўрабди Омонтурди бобо. Мулла Абдухолиқ: Қизингиз яхши бўлиб қолди”, дебдилар. Омонтурди бобо бошқа хонага ўтиб, қизига қараса, тузалиб, уй юмушларини қилиб юрган экан.

1963 йилнинг кўз ойлари эди. Абдухолик домла йўлдошлари билан Денов шахрига жума номозини ўқиш учун боради. Номоз ўқиб бўлганларидан сўнг деновлик шогирдлари: Домла келибдилар, бир кеча олиб қолиб, суҳбатларини тинглаймиз, деган ниятда уйлари-га таклиф этишади.

Абдухолик домла улардан узр сўраб: «Мени кишлоғимизда кутиб туришибди», дейди. Домланинг бу гапига шериклари ҳам хайрон бўлишади. Қумкўрғонга кайтиб келишса, уни чиндан ҳам кутиб туришган экан. Домланинг қариндош-уруғларидан бўлган Саидхон Ҳамидовни машина уриб кетиб, вафот этган, жанозасини мулла Абдухолик ўқийди, деб йўлга маҳтал бўлиб туришган экан.

Абдухолик домла билан боғлиқ ўз бошимдан кечган бир воқеани ҳикоя қилиб берай. 1972 йили Аллоҳ таоло менга бир ўғил ато қилди. Шунда раҳматли отам Абдурахмонхон мулла Абдухолик домлага бориб, набирамга исм кўйиб берсангиз, дейдилар.

Абдухолик домла: «Набирангизнинг исмини “Абдуманнобхон” деб кўйинг, зора Худойим яна тўрт ўғил набира берса. Уларнинг исмларини Абдухошимхон, Абдумуталлибхон, Абдуллахон ва Муҳаммадихон деб кўясиз», дейдилар.

Чиндан ҳам Абдухолик домланинг айтганлари келди. Тўрт ўғилли бўлдим. Уларга домла айтган исмларни кўйдим.

Қумкўрғон туманидаги Хўжақишлоқ маҳалласида яшовчи ўқитувчи Қарорхон Ёкубов бундай ҳикоя қилади: 1972–74 йиллари айни навқирон йигитлик даврим, баданимдан уч йил учтадан катта-катта яра чиқди. Кейинги йилларда улар сони кўпайиб, беш-еттитага етадиган бўлди. Унга на шифокорларнинг муолажалари, на табиб-муллаларнинг тадбир-малҳамлари фойда берди. Яралар кундан-кун болалай бошлади. Шунда даво излаб, Қоптўғай кишлоғида яшовчи Абдухолик

домла ҳузурига бордим. Борсам, дам олаётган эканлар. Киш чилласи, кун совуқ эди. Мендан «Ўғлим, нима иш билан келдингиз?» деб сўрадилар. Аҳволимни гапириб бердим. Домла бир кўрдилар-да: «Болам, сизга назар оралабди», дедилар.

Сўнг бир парча қоғозга арабча ёзувда баъзи калималарни битдилар-да, буклаб, қўлимга бериб, «Буни телпагингизга қистириб қуйинг. Иншооллох, энди сизни яра чиқиб, безовта килмайди», дедилар. Ишонасизми-йўқми, билмадим, домла хонадонидан чиқиб, уйимга келгунимча танамда ярадан асар ҳам қолмади. Шундан сўнг бошқа яра чиқмади.

Самандар Термизийнинг яна бир чевараси, тўртинчи фарзанди Абдукаримхўжанинг набираси Абдуқаюмхон Лукмонхон ўғлидир. У тахминан 1875–1880 йиллари Қоптўғай кишлоғида туғилган.

Абдуқаюмхон ҳам ёшлигидан дунёвий-диний илмларни ўрганиб борган. Узоқ йиллар Бухородаги Мир Араб мадрасасида таҳсил олган. У кишининг ҳам 5 нафар фарзанди бўлган. Катта ўғиллари мулла Исмоил ва мулла Иброҳимлар ҳам Мир Араб мадрасасида таҳсил олишган.

Шўролар тўзуми даврида НКВД ходимлари Абдуқаюмхон ва унинг икки ўғлини «Сен мулласан, эшонсан, Совет ҳокимиятининг душманисан», деб қамашади. Улар Термиз қамоқхоналарида кўп азоб чекишган. Қамоқдан чиққанларидан кейин ўз кишлоқларида яшаёлмай, Жарқўрғон туманидаги «Намуна» колхози (ҳозирги Алишер Навоий номли ширкат хўжалигининг “Намуна” бўлими)га кўчиб кетишган. Аммо бу жойда ҳам уларга тинчлик беришмаган. Шу ерлик 96 ёшли (2010 йили) Сари бобо Рўзиев айтишича, бир куни Абдуқаюмхон эшон уларникида меҳмон бўлган экан. “Кеч соат 11лар чамаси эшон бобо отамга: «Бизнинг отни келтиринг, кетмасак бўлмайди. Бизни излаб чиқишди», деб, тезгина отланиб, жўнаб кетади, дей-

ди Сари бобо. Орадан 15–20 дақиқа ўтгач, уйимизни НКВД ходимлари босишди. «Абдуқаюмхонни топиб бер», деб отамни қийнашади”.

Абдуқаюмхон шу кетишда ҳеч ерда тўхтамай, оиласини олиб, ҳозирги Тожикистоннинг Жилиқўл туманига бориб жойлашади. Кейинрок англаб етсам, НКВД ходимларининг излаб чиқишгани Абдуқаюмхон эшон бобога аён бўлган экан.

Абдуқаюмхон Тожикистонда 3–4 йил тинч яшайдилар. Аммо бу ерга ҳам НКВДнинг оёғи етиб келади. Шундан сўнг Абдуқаюмхоннинг тўрт нафар ўғиллари Исмоилхон, Иброҳимхон, Ҳасанхон ва Ҳусанлар хотин, бола-чақалари билан Афғонистонга ўтиб кетишади. Абдуқаюмхоннинг хотини «Биз ҳам кетамиз» деб кистаганида, Абдуқаюмхон: «Бизга у ёққа йўл йўқ» деганлар ва хотинлари ҳамда 16 ёшли кенжа ўғиллари билан юртда қолган.

1936 йили тахминан 58–60 ёшларида Абдуқаюмхон оламдан ўтади. У киши сўнгги дамда ўғилларини ёнларига чақириб: «Ўғлим, барча китобларимни мен билан бирга кўмгин, мен сенга атайлаб Исломи илмини ўргатмадим. Чунки бошимизга бир замон келди, Исломи илмини билган инсон хор бўлади. Сен энди онанг билан бир ўзинг қолдинг. Сенга насихатим шуки, ҳеч қачон ёлғон гапирма, бировнинг омонатига хиёнат қилма, калимангни қайтариб, Худодан, мени омон сақлагин, деб юрсанг, сенга ҳеч нарса қилмайди, мен бунга кафилман», деб насихат қилади.

Кенжа ўғил Абдурахмонхон отасини дафн этганидан кейин колхозда ишлаб юради. 1942 йили Иккинчи жаҳон урушига кетади. Урушда бир оёғидан ажралган бўлсалар-да, омон қайтади. Колхозда ҳисобчи, газначи, омборчи бўлиб ишлайди. 1957 йили Ўзбекистонга ота юрти Қоптўғайга кўчиб келади. Бу ерда магазинчи бўлиб ишлайди. 8 нафар фарзандни вояга етказиб, қариллик гаштини суриб, 2001 йили 81 ёшида олам-

дан ўтади. У кишининг қабри ҳам “Хожа Самандар” қабристониди. Ўлими олдидан: «Отам билан онамнинг қабрлари Тожикистонда қолди-да», деган бир армон билан кетади.

Абдурахмонхон 1974 йилга келибгина Афғонистондаги акаларининг дарагини топади. 1975 йилда кичик акалари Хусанхонни меҳмонга чақиради. Хусанхон Сурхондарёда 70 кун туради. У ҳам Тожикистондаги ота-онаси қабрини зиёрат қила олмайди. Шурулар ҳукумати “визада кўрсатилмаган” деб, Тожикистон ҳудудига боришга рухсат бермайди.

Хусанхон 1975 йилдаги ташрифи чоғида бошларидан кечирган воқеаларни хикоя қилиб берди. Маълум бўлишича, мустабид тузум зугумидан мажбур қочиб ўтган – 200 хўжалик Афғонистоннинг Мозори Шариф шаҳрига бориб тушишган. Катта акалари Исмоилхон беш вақт номозни канда қилмайди, жума номозини ҳам ўқишда имомлик қила бошлайди. Буни кўрган маҳаллий тожик ва афғон муллалар уни сиқувга олишади. Чунки улар ўзларини билимдон чоғлаб, бу ишга фақат биз муносибмиз, деган фикрда эдилар. Охир-оқибат, ўн нафар мулла йиғилиб келиб, уни имтиҳон қилишади. Мулла Исмоил уларнинг барча саволларига аъло даражада жавоб қайтаради. Шунда имтиҳон қилувчи муллалар унинг билими ва зукколигига тан бериб, «Биз Бухоройи шарифда ўқиган муллага тенг кела олмаймиз», деб унинг масжидда ҳам имом бўлиб, намоз ўқиб беришига рухсат этишади.

Хусанхоннинг айтишича, сурхондарёлик қочоқ саййидларнинг Афғон заминида яшаб кетишларига Бухоро хонлиги томонидан ўз вақтида берилган расмий шажара қоғози сабаб бўлган. Мулла Исмоил шажара қоғозини ўша вақтда Афғонистонда яшаётган Амир Олимхонга олиб бориб кўрсатади. Амир Олимхон аждодлари томонидан берилган шажара қоғозини кўзига суртиб, йиғлайди. Шундан кейин Амир Олимхон маҳаллий ҳокимият амалдорларига «Булар саййид-

лар – пайгамбарзодалардир. Менинг ота-боболарим ҳам уларни иззат-хурмат қилиб, солиқ олмаган», дейди. Шундан сўнг маҳаллий ҳокимият бу қочоқларга Дашти Аччи деган жойдан 200 гектар ер ажратиб беради. Самандар Термизийнинг қочоқ авлодлари XX асрнинг 80-йилларига қадар, Шўро аскарлари бостириб киргунига қадар шу жойда яшашади. 1979 йилдан сўнг кўпчилиги Покистон ва турли араб мамлакатларига кўчиб кетишади.

Хожа Самандар Термизийнинг яна бир авлоди – Абдукаримхўжанинг чевараси, Убайдулла хожанинг ўғли мулла Зокирхўжадир. «Дастурул мулук» таржимони Жаббор Эсонов асарнинг тўлдирилган 2-нашрида бу инсон ҳақида «Сибирдан қочган ҳожи» сарлавҳали мақолани келтиради. Шу боис ҳозир бу мавзуда тўхталмаймиз.

Мулла Зокирхўжанинг шажараси кўйидагича: Самандар Термизий – Абдукаримхўжа – мулла Усмонхўжа – Убайдулла сўфи – мулла Зокирхўжа.

Зокирхўжанинг кенжа ўгли Муҳаммадхон, Абдухалиқхожа Мамарасулов, Абдулла ҳожи Соатов, Тошбой Ўрозов ва бошқа яқин қариндош-уруғларимизнинг ҳикоя қилишларича, 1937 йили Хожа Самандар Термизий авлодларидан 13 нафар мулла қамоққа олинади. Улардан бири Жаркўрғон тумани НКВДси бошлиғи Далцман томонидан сўроқ пайтида отиб ўлдирилади. Бу Шохбекхўжа бўлиб, уни кеч куз кунлари шаҳид қилишганини айтишади.

Убайдулла сўфи бадавлат ва серфарзанд эди. Қатағон шамоли эса бошлаган 1935 йили унинг фарзандлари оталарини ҳам Афғонистонга олиб ўтмоқчи бўлишади. Шунда Убайдулла сўфи фарзандларига: Кўйинглар, мен шу тупрокда туғилдим, камол топдим, энди қаридим, менинг жисмим бегона тупрокда эмас, ўз Ватанимда дафн этилсин”, дейди. Уни Сибирдан қочиб, эсон-омон қайтиб келган ўғли Зокирхўжа дафн қилади.

Нихоят, Жарқўрғон НКВДсига мулла Зокирнинг Сибирдан қочиб кетгани ҳақида маълумот тушади. Шу сабаб мулла Зокир 1943 йил Тожикистоннинг Регар туманидаги Чептўра қишлоғига кўчиб кетади.

Сибирда кўргани қаҳратон совуқлар, кийноқлар ва руҳий кечинмалар ўз ишини қилади. 1948 йили Зокирхўжа турмада орттирилган дард сабабли вафот этади.

Ҳақимлик ота-боболардан мерос

Термиз саййидлари ўзларининг табибликлари – ҳақимликлари билан ҳам тилга тушинган. Имом Ҳасан авлодларидан бўлган Ҳақим Термизий, Ҳақим Хўжа Варроқ Термизий, Ҳамзаи Ҳофиз Кокилдор, Рухайда бинти Варроқ., Хурайда Бинти Ҳақим Термизий, Аҳмад Устурлобий – Сағоний Термизий ва бошқа ҳақимларнинг номи, шифкорлик йўлида қозонган шон-шуҳрати, табобатга доир ўнлаб китоблари, жумладан, «Илми ан-нужум», «Табобати занон» ва бошқа асарлар бу фикрнинг ёрқин далилидир. Бир пайтлар Ибн Синонинг Хожа Ҳақим Термизий кўлида табобат сирларини ўргангани маълум. Варроқ Термизий, Рухайда бинти Варроқ, Хурайда бинти Ҳақим Термизий, Аҳмад Устурлобий, Имом Исо Термизий ва бошқалар табиблик билан шуғулланишиб, катта шуҳрат қозонишган, кўпчилиги шу боис «Ҳақим» нисбасини олишган.

Пайғамбар авлодидан бўлган Самандар Термизий ҳам ана шундай даволаш хислатига эга эди. У таниқли ҳақим бўлиб, кишилар касаллигига қараб гиёҳлардан тайёрланган, тоғ-тошлар, тупроқдан, минераллар ва сувлардан олинган дори-дармонлар билан бир каторда шифобахш дуолар воситасида ҳам даволар эди. У Насафда ҳақим сифатида танилган. Худди шу фазилати туфайли душманларидан бири Хожа Авазнинг хотини эрининг бузуқлиги, ахлоқсизлиги боис сўзак касалига чалинганида, уни даволаш усулларини баён этади.

Унинг кейинчалик ҳам кўп касалликларни даволашда кишилар жонига ора киргани тайин.

Айникса, «Дастурулмулук»нинг 21-бобида келтирилган бир маълумот эътиборлидир. Субҳонкулихоннинг кўшини киш пайти Балхга юриш қилганида, изгирин совуқда чўлу биёбонлардан оша ўтишаркан, одамлар уларга: «Сизлар бу совуқда нима билан исинасизлар?»— дейишганида, лашкарбошилар: «Биз Хожа Самандар Термизийнинг сўзлари билан исинамиз», деб жавоб беришади.

Самандар Термизий авлодларидан мулла Зокирда ҳам бошқа яқин қариндошлариники каби шундай ажойиб хислат – табиблик маҳорати бор эди. Ҳамюрти ва замондоши Хол бобонинг айтишича, кишилар касалликка чалинганларида мулла Зокир уларга дам солинган сув берар эди. Одамлар дам солинган сувни кўлларига олганларида, бижирлаб, қайнаб турганини ва баъзилар чиндан ҳам шундай бўлаётганига ишонмай, кўлларини сувга солиб, куйдириб олишганини нақл қилишади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керак, Самандар Термизийнинг ўзи каби у кишининг кўплаб авлодлари ҳам Бухородаги Мир Араб мадрасасида ўқиб, етук илм соҳиблари бўлиб етишишган. Улар бу ерда тахсил олибгина қолмай, баъзи ўта илмли дўстларини ҳам юртларига олиб келишган. Ана шундайлардан бири Тожикистоннинг Лоғар қишлоғилик Саййид Акромхон ўғли Саййид Азимхон деган йигит эди. Мир Араб мадрасасини тамомлаган, ғоят зукко, билимли, салоҳиятли бўлган Саййид Азимхон Қоптўғайга Самандар Термизий авлодлари билан келади ва шу ерда яшаб қолади. У Самандар Термизийнинг бешинчи пушт авлоди Маллахон қизи Робия пошшога уйланади. “Кўлоби домла” деб лакаб олган Саййид Азимхон 8 фарзанд кўради. Уларнинг 4 нафари ўғил эди. Муҳаммади махсум, Олим махсум, Аҳад махсум ва кенжа ўғиллари Ғозиддин махсумлардир. Кўлоби домла 1930 йилгача қозилик қиладилар. Лекин бу инсоннинг ҳам бир ерда муқим, тинч, яшашига йўл қўйишмайди. У НКВД томонидан таъқиб қилинади.

Ниҳоят, уни ҳам қамоққа олишади. Турмада ётганларида қамоқхона бошлиғи олдиларига келиб: «Сизни ўта илмли, тақводор, каромат соҳиби дейишади. Агар шундай бўлса, кароматингизни кўрсатинг», дейди. Шунда домла: «Бир коса сут келтиринг», дейди. Сут келтиришади. Домла бир дуо ўқиб, сутни уч қисмга: қаймоққа, айронга ва зардобга ажратади. Шундан сўнг қамоқхона бошлиғи бу олимга ихлос қўйиб, бемор ўғлини ҳам ўқитган. Турмада унинг учун яхши шароитни яратиб берган. Домланинг кенжа ўғли Ғозиддин махсум (ҳозир 70 ёшда) бундай дейди: Мен 1970 йили отам (Аллоҳ раҳмат қилсин!) бир муддат яшаган Тангимуш қишлоғига бордим. Бир аёл келиб: «Ҳазратининг ўғли келибди», деб мени тавоф қил-

ди ва отам билан боғлиқ бир воқеани айтиб берди: «Ўғлимни заҳарли илон чақиб олди. Эримни тезлик билан домланинг уйига юбордик. Бахтга қарши домла сафарда эканлар. Эрим изларидан кетди. Биз кутиб турдик. Ярим кечаси эрим қайтиб келди. «Домла келолмас экан, лекин мана бу коғозни бериб юбордилар», деди. Дуо ёзилган коғозни яранинг устига қуйдик. Бир муддат ўтиб, ўғлим ўйнаб кетди. Эртаси тушдан кейин домланинг ўзлари келиб, ўғлимни ўқидилар. Шундан сўнг болам бутунлай соғайиб кетди.

Кўлоби домла билан боғлиқ яна бир воқеа. «Сурхон» совхозининг марказида Борис исмли одам яшаган. Айтишларича, унинг ҳеч ўғли турмаган. Ниҳоят, ёрдам сўраб, Саид Азимхонга мурожаат қилади. Домла Бориснинг уйига бориб, кечаси билан тиловат қилиб чиқади. Эрталаб қайта туриб, «Борисбой, сиз яна бир ўғил кўрасиз», дейдилар. Ҳақиқатдан ҳам у киши орадан бир йил ўтиб, ўғил кўради ва исмини Ҳамиддин кўяди. Шу одам ҳозир 70 ёшларда.

Кўлоби домла 1953 йил май ойида вафот этади. У кишининг қабри “Ҳожа Агтор Валий” қабристонидадир.

Ҳожа Самандар Термизийнинг олтинчи авлоди бўлган Ҳошимхон Камолов ва мулла Аҳмад ҳожининг гувоҳлик беришларича, 1937 йилда Ҳожа Самандар авлодларидан 13 киши камокка олинган. Фақат бобомиз мулла Абдуҳолик; (мулла Аҳмад ҳожининг отаси) қочиб, узоқ вақтлар яшириниб юрган. У киши 1979 йили вафот этади.

Ҳожанинг тўртинчи ўғли Абдукаримхожа шажарасидан бўлган мулла Мирзобоқи хожа 1935 йили Афғонистонга ўтади. 1941 йили Абдуллахон деган ўғил кўради. 1979 йили Афғонистонда нотинчлик бошлангач, Абдуллахон ўзининг қари онаси билан бирга Покистонга ўтади ва у ерда Афғонистонда олган билимини янада чуқурлаштириш учун бир олим қўлида олти йил таълим олади.

1985 йили Покистон ҳукумати уни Маккаи муқаррамадаги Покистонга қарашли масжидга имом-мутавалли этиб тайинлайди. 1990 йили у ҳажга борган амакиси Аҳмад ҳожини уйда бир неча кун меҳмон қилиб, ўз бошидан ўтганларини айтиб беради. Отаси Мирзобоқиҳўжа ўлими олдидан: Қишлоғинг Қоптўғай, катта бозоринг Какайди, бобокалонинг Хожа Самандар Муҳаммад ибн Бақо Термизий, аждодларимиз Султон Саодат – Амир Саййид Али Акбар Термизий билан боғланади, бориб сўрокласанг, топасан», деб васият қилганини сўзлаб беради.

1992 йили ҳажга борган Маҳмашариф Алиёров ҳам Мирзобоқиҳожанинг ўғли Абдуллахон билан учрашган, суҳбатлашган. У киши ҳақида кейинроқ яна тўхталамиз.

Таъкидлаш керак, Хожа Самандар Термизийнинг авлодлари шўролар даврида ҳам ўз билим ва салоҳиятлари, ахлоқ-одоблари билан ажралиб туришарди. Масалан, мулла Аҳмадхон Холиқов бир неча марталаб қамалишига қарамай, диний илмни мукамал ўрганади, мулла Мухторхон Самадов хусусида ҳам шундай дейиш мумкин. Дунёвий илмларни ўрганишда ҳам Самандар Термизий авлодлари пешқадам бўлишди. Шулардан бири Ҳошимхон Камоловдир. У киши Иккинчи жаҳон урушидан қайтиб келгач, ўқиб, олий маълумотли зиротшунос дипломини олди. Ўз қишлоғида олдин зоотехник, сўнгра ўзоқ йиллар хўжалик раҳбариятида ишлади. Янги ерлар очиб, пахта етиштиришда кўп заҳмат чекди. Ҳозир у бола-чақалари билан Қизирик туманида истиқомат қилади.

Хожа Самандарнинг еттинчи авлодига мансуб олимлардан бири Ибодуллахон Мирзаевдир. Отанадан ёш етим қолган бу инсоннинг ёшлиги кишилар хизматини қилиш билан ўтди. У кишининг отаси Камолхон Мирзаев уруш йиллари чўпон, сўнг магазин мудири бўлган. Камолхон ака тақводор номозхон эди.

Ибодулланинг онаси Шаҳарой момо Бухаройи шарифдаги Мир Араб мадрасасида ўзок йиллар таълим олган мулла Саидназар Оллоназар ҳожи ўғлининг кизи эди.

Ибодулла Мирзаев 1952 йили бошланғич синфга ўқишга боради. Илк сабоқни марҳум муаллими Ҳабибуллахон Қаюмовдан олади.

Ибодулла Мирзаев ҳеч унутмайди. 5-синфда ўқиётган йили куз кунлари эди. Бир пайт ўқитувчилардан бири: «Нега олифталик қиласан, суянган тоғинг йиқилди-ку, хўжа!» дея юзига ургани-да, унинг кўзларидан ёш, юрагидан қон томчилайди. Ўқитувчи «суянган тоғинг» деганида жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, 50-йилларнинг биринчи ярмидаёқ хўжаликни вилоятда биринчилар қаторига олиб чиққан, қирқ тўққиз ёшида номаълум сабаблар қурбони бўлиб, отилишга ҳукм қилинган, адолат қарор топиб, кейин оқланиб, хўжалигимизга номи берилган (Ибодулланинг тўнғич амакиси-отасининг катта акаси) Шарофхон Мирзаевни назарда тутган эди. Бу ҳақорат унинг ҳеч юрагидан чиқмайди.

Яна бир воқеа 6-синфда ўқиётганида рўй берган эди. Баҳор пайти, айрим ўқувчилар нос, моҳорка, сигарет чекишни бошлашган. Бундан хабар топган мактаб директори ўғил болалар чўнтагини текшира бошлайди. Ўшанда Ибодулла Ихлос сурасини ёдлаб юрган эди. Унинг чўнтагидан сура ёзилган қоғозни топиб олган директор жазавага тушиб: «Мана, кўрдиларингми хўжаларнинг ишини! Улар болаларнинг миясини захарлаб, Куръон ёдлатишади! Изза қилинлар уни!» дейди. Ўшанда Ибодулла синфдан отилиб чиқиб кетиб, бир ҳафта дарсга келмаган.

9-10-синфларни «Сурхон» жамоа хўжалигидаги мактабда ўқиган Ибодулла Мирзаев ўрта маълумот олгач, 1962 йили Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетининг хорижий тиллар факултети франсуз тили бўлимига ўқишга киради. Битирганидан сўнг Термиз шаҳридаги 1-мактабда ишлай бошлайди.

1967 йил ноябр ойида армия сафида ҳарбий хизматни бошлайди. 1971 йили Ленинград университетининг роман-герман филологияси кафедрасига кундузги аспирантурага қабул қилинади.

1975 йилнинг 25 декабрида ана шу шаҳарда Ибодуллахон Мирзаев «Французча хос сўзларни ўзбек тилига таржима қилиш муаммолари» мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлади.

Аспирантурани тугатгач, бир неча муддат немис тили кафедрасида ишлади. Кейин француз ва латин тили кафедрасида ўқитувчи, 1978 йилнинг сентябридан француз филологияси кафедраси мудирлигига сайланди. 1987 йилнинг сентябридан 1989 йилнинг сентябригача ҳозирги Санкт-Петербург университетининг турк филологияси кафедрасида докторантурада бўлиб, устози Сергей Николаевич Иванов илмий маслаҳатчилигида «Жорий матннинг лингвопоэтик таҳлили муаммолари» мавзуида илмий иш қилди. Диссертацияни 1992 йил март ойида ЎЗР ФА тилшунослик институтида химоя қилди.

1994 йилнинг ноябр ойида Самарқанд чет тиллар институти очилди. Ибодулла Мирзаев 1995 йил сентябр ойигача француз тили факултети декани ва айни вақтда француз тили грамматикаси ва тарихи кафедраси мудири лавозимларида ишлади. 1996 йилнинг ноябрида СамДУ қошидаги факултетлараро ўзбек тили кафедрасига танлов асосида мудирлик лавозимига сайланди.

Ибодулла Мирзаев илмий иш, дарс бериш билан бир қаторда француз тилидан бадиий асарларни таржима қилади. У Республика Вазирлар Маҳкамаси қошидаги ОАК эксперт комиссиясининг ҳамда Халқ таълими, Олий ва ўрта-махсус таълим вазирликлари қошидаги услубий кенгашлар аъзосидир.

Самандар Термизийнинг муносиб авлодларидан яна бири Рустамхон Абдурахмонхон ўғлидир. У 1970 йили Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини ме-

ханизациялаш муҳандислари институтини битириб, Қумқўргон туманидаги ҳозирги Н. Мирзаев номли жамоа хўжалигида бош ирригатор бўлиб ишлай бошлайди. Сўнг бир неча йил мобайнида туманни ичимлик суви билан таъминловчи Сурхон сув ҳавзасига раҳбарлик қилади. Рустамхон Абдурахмонов одамларга оби ҳаёт беришдек савоб ишни сидқидилдан бажарди. Одамларга яхшилик қилиб ўтди, айниқса, ёшларга бегараз ёрдам кўрсатди.

Бу ўта кўнгилчан инсоннинг тузини еб, тузлиғига тупурганлар унинг устидан туман ва вилоят ташкилотларига юмалоқ – имзосиз хатлар ёзиб, соғлиғига катта путур етказишди. Рустамхон 1987 йили 43 ёшида миясига қон кўйилиб, вафот этди.

Худонинг қудратига қойил қолмасликнинг асло иложи йўқ. Рустамхонга ғаламислик қилганларнинг 4 нафари хор-зор бўлиб, ўлиб кетди. Мард бир марта ўлади, номард ҳар куни деб, шунга айтишса керак.

Самандар Термизийнинг авлодларидан Сайидахмад Саъдуллаев, Иброҳим Маллаев, Жўра ҳожи Аҳмедов, Қурбонхон Маллаев, Жалолхон Абдувоҳидов, Исмоилхон ҳожи Абдузоиров ва бошқа ўнлаб олий маълумотли, жамиятда ўз ўрни ва овозига эга инсонлар борки, уларнинг барчаси ҳақида китобимизда бирмабир тўхталиб ўтишнинг иложи йўқ. Ўйлаймизки, бунинг хожати ҳам бўлмаса керак.

Шу ўринда яна бир нарсага ойдинлик киритиб ўтишни истайман. Маълумки, Самандар Термизий бобомиз ва у кишининг авлодлари билан ҳамиша ҳамдам, ҳамқадам бўлиб юрувчи “майда хўжалар” деб аталувчи бир авлод ҳам бор. Бир ривоятда айтилишича, улар Самандар ҳожининг укалари Қаландар Термизийнинг авлодларидир. Бошқа бир ривоят бўйича, улар Самандар Термизий қизларининг авлодларидир. Нима бўлганида ҳам, улар биз билан аҳил яшаб келишмоқда. Яхши кунларимизга ҳам, ёмон кунларимизга ҳам биз билан ше-

рикдирлар. Илгарилари кичик хўжаларга қиз бермаганмиз, аммо улардан келин қилганмиз. Бугунги кунда бу удумлар унутилиб кетди.

Қарияларимиздан Хошимхон Камоловнинг (86 ёшда) айтишларича, авваллари кичик хўжалар хонга солиқ тўлашган. Саййиддар эса пайгамбар авлодлари бўлганлари учун солиқ бож тўловларидан озод бўлишган.

Шайх Абдуллахон ибн Абдулбоқий

Абдуллахон ибн Абдулбоқий аллома Хожа Самандар Термизийнинг кенжа ўгли Абдукаримхоннинг чевараси Саййид Абдулбоқийнинг ўғлидир. Ўтган асрнинг 30-йилларида рўй берган нотинчликлар ва шўролар томонидан мулла ва илмли кишиларнинг таъқиб қилиниши сабабли Самандар Термизий авлодларининг бир қисми Афғонистонга қочиб ўтишга мажбур бўлишган эди. Абдулбоқийхоннинг бешинчи ўгли Абдуллахон 1941 йили Афғонистоннинг Қундуз шаҳрида туғилади. У бошланғич таълимни отаси ва боболаридан олади. Сўнг мадрасада ўқийди. Абдуллахон етти ёшга кирганида отаси Абдулбоқий вафот этади. Етимлигига қарамай, мадрасада хавас билан ўқиб, имтиёзли битиради. У Афғонистоннинг Дашти Аччи, Қундуз ва бошқа шаҳарлари масжидларда имомлик қилади. Аҳли сунна вал жамоа мазҳаби таълимотини тарғиб-ташвиқ этиш ишлари билан шуғулланади.

Ўтган асрнинг 70-йилларида Афғонистонда давлат сиёсати ўзгариб, нотинчлик бошланди. Шу боис Абдуллахон онасини, қариндош-уруғларини олиб, Покистон Ислом Республикасининг Қарочи шаҳрига ўтиб кетади. У бу ерда ҳам ўз билим ва маҳоратини ошириш устида кунт билан ишлайди. Ўз даврининг пешқадам, етук уламоларидан таълим олади. Қарочи шаҳридаги йирик жоме масжидларида имомлик қилади. Унинг 9 та тилни мукаммал билиши жуда қўл келади. 1982

йили улар оиласи Саудия Арабистонига кўчиб ўтади. Абдуллахон дастлаб Мадинаи мунавварада, сўнгра Маккаи мукаррамада яшайди. Масжидларда имомлик килди, мадрасаларда талабаларга дарс беради. Арабистон, Покистон, Ҳиндистон, Туркия, Яман, Ироқ ва бошқа мамлакатлар уламолари орасида обрў-эътибор қозонади. Шайхулислом унвонига мушарраф бўлади.

Ҳозирги кунда у беш ўғил ва тўрт қизнинг отаси, 20 нафар набиранинг бобосидир, 70 ёшга кирганига қарамай, ҳозир ҳам ёшларга Ислому таълимотидан дарс бермоқда. Ўғил-қизлари ҳам мударрислик билан шуғулланишади.

Юқорида айтганимдек, 2008 йили оилам билан ҳаж сафарига борганимизда, Абдуллахонникида меҳмон бўлдик. У киши бизни яхши кутиб олдилар, жуда хурсанд бўлдилар. Ўшанда Абдуллахон, агар мени юртимизга меҳмонга таклиф этсаларинг, албатта бораман, деб ният билдирган эди. Шунинг учун у кишини 2009 йили ота юртига таклиф этдим. Лекин Абдуллахон бизга номаълум айрим сабабларга кўра кела олмади.

2010 йили қариндошимизни яна Ўзбекистонга келишга таклиф этдим. Абдуллахон ибн Абдулбоқий, ниҳоят, ўша сентябр ойи охирларида юртимизга ташриф буюриб, 21 кун ота Ватанида бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлашим керак, у киши келганларида негадир хомуш эди. 3-4 кун Самандар Термизий авлодлариникида турди. У киши биздаги мусулмончиликни, тинчлик-осойишталикни кўриб, хурсанд бўлди. Хомушликларидан асар ҳам қолмади. Бунинг сабаби кейинроқ маълум бўлди. Абдуллахонга, Ўзбекистонга борманг, у ерда мусулмончилик йўқ ҳамма одамлар ғайридин бўлиб кетган, деб айтишган экан. У киши шунинг учун ҳам ўтган йили юртимизга келмаган, кўп иккиланган эканлар. “Ниҳоят, бу йил ҳам кўрқа-кўрқа Ватанга келдим, лекин айтилган бу гаплар нотўғри экан. Ота юртим жуда обод, тинч экан, энг асосийси,

бу ерда Ислом дини йўқолмаган, аксинча, ривожда экан. Шурчи шаҳрида жоме масжидига бориб, жума номозини ўқидим. 7 нафар қори йигит Қуръони каримни навбатма-навбат тўловат қилганида, хурсандлигимдан, хаяжондан кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Шунда «Дилимга Худо шу сўзларни солди ва бу гапларни баралла айтдим: «Бу юртнинг келажоғи обод!». Яширмайман, ота юртимдаги баъзи одамлар онгида коммунистик мафкура таъсири ҳали ҳам бор. Лекин ёшлари илмга шу даражада чанқоқ экан, кўриб, ҳам ҳайратда қолдим, ҳам беҳад қувондим. Шодлигим боисини имом-муллаларга, кексаларга айтиб: улардан ёшларни доимо тўғри йўлга бошлашларини сўрадим. Уларга: Агар сиз ёшларни тўғри йўлга бошламасангиз, душманлар уларни эгри йўлларга бошлаб кетади», деб уқтирдим”, дейди Абдуллахон ибн Абдулбоқий.

Шайх Абдуллахон вилоятимиздаги Ҳаким Термизий, Абу Исо Термизий мақбараларини зиёрат қилди, бошқа кўп зиёратгоҳларда, жумладан, бобокалонлари Хожа Самандар Термизий, Саййид Маллахон қабрларида бўлиб, Қуръон оятларидан тиловат қилди. Оталари яшаган Қоптўғай қишлоғини айланиб чиқди. Вилоятда яшайдиган, Ислом дини пешқадамлари бўлган кишиларнинг, кексалар, беморларнинг ҳолидан хабар олди.

Абдуллахон ибн Абдулбоқий Ўзбекистонимизнинг қадимий шаҳарлари Бухоро, Самарқанд ва Тошкентда бўлиб, буюк инсонлар Саййид Мир Кулол, Баҳовуддин Нақшбанд, Имом Бухорий, Имом Мотуридий боболаримизнинг табаррук қабрларини зиёрат этиб, Қуръон тиловат қилди. Тошкент шаҳридаги “Ҳазрати Имом” масжидида номоз ўқиди. Бу ердаги Ҳазрати Усмон Мусҳафини тавоф қилди.

Ана шу саёҳат-зиёрат асносида Абдуллахон ибн Абдулбоқий Самарқанд, Бухоро, Тошкент шаҳарларидаги ободончиликни, қадимий обидаларимизга эътиборни, “Ҳазрати Имом” мажмуасида қилинган эзгу

ишларни кўриб, шу юрт фарзанди сифатида бенихоя хурсанд бўлди. Келган пайтларидаги хавфсираш, хо-мушликдан асар ҳам қолмай, кишиларга жўшқинлик билан амри маъруф қилди.

Абдуллахон ибн Абдулбоқий Тошкент шаҳрига қилган саёҳатимиз – зиёратимиз давомида руй берган бир воқеани бизга тулқинланиб, фахрланиб гапириб берди. «Биз, – дейди Абдуллахон, Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари оралиғидаги бир ёнилғи қуйиш шахобчаси-да тўхтадик. Биздан кейинги машинада беш йигит келиб тушишди. Улар менинг Саудия Арабистонидан келганимни билиб, суҳбатимни олгани келишди. Бу йигитлар Қашқадарё деган жойдан экан. Йигитлардан бири менга «Инсон бу дунёга келган экан, ўз хоҳиши билан, хоҳлаган ишини қилиб яшаши мумкинми?» деган саволни берди. Мен йигитларга мусулмон фарзанди бу дунёда қандай яшаши кераклиги ҳақида гапирдим. Шу пайт йигитлардан бирининг кўл телефонига кўнғирок бўлди. У йигит телефонини олиб: «Ҳозир вақтим йўқ, энг зарур гапларни тинглаяпман», деди. Шундан билдим, юртимизнинг ёшлари илмга чанқоқ экан, фақат уларни тўғри йўлга бошлаш учун эътиборни кучайтириш керак экан».

Шундай қилиб, Абдуллахон ота юртида 21 кун турди. «Иложи бўлганида эди, оиламни, болаларимни ҳам ота Ватанимни кўрсатгани олиб келардим. Худо хоҳласа, албатта, келаси йил оиламни ҳам олиб келаман», деди у.

Шайх Абдуллахон амакимиз билан 21 кун бирга юриб, шуни ҳам англадимки, чет элларда юртимиз, халқимиз ҳаёти ҳақида тескари ташвиқот юритилар, нотўғри маълумотлар тарқатилар экан.

Шайх Абдуллахон кетар чоғи ёшлар, барча инсонларга тўғри, соф исломий таълимотни етказиш, англатиш мустақиллик туфайли эришилган неъматларга шукронада бўлишни ўргатувчи инсонларга кўпроқ эътибор бериш лозимлигини, ёшларни тўғри йўлга бошқаришнинг

самаралари катта эканини таъкидлаб, кўзларида ёш билан хайрлашиб, Саудияга жўнаб кетди.

«Дастур ул мулук».

Тадқиқотлар, изланишлар, таржима

Бобомиз Самандар Термизий маънан юксак, билим доираси кенг, араб, форс ва бошқа яна бир неча тилларни биладиган, моҳир хаттот, истеъдодли шоир ва адиб, қомусий аллома бўлганлар. Ривоятларда у кишининг 30 дан ортиқ асар ёзганлари накл қилинса-да, бизнинг қўлимизга асрлар силсиласидан завола кўрмай етиб келгани милодий 1695 (ҳижрий 1107) йили ёзилган «Дастурул мулк» асаридир.

Асарни Хожа Самандар Термизий 65 ёшида ёзган бўлиб, 22 фаслдан иборатдир. «Дастурул мулук» (Шоҳларга қўлланма) 1680 – 1702 йиллари Бухорода ҳукмдорлик қилган Субҳонқулихон Муҳаммад Баҳодирхонга бағишланган.

Хожа Самандар Термизий қалами ўткир юксак маҳорат эгаси эканини замондошлари, унинг дўсти, балхлик таниқли адиб ва шоир Мирза Юсуф Хожа ва етук олим ва тарихчи, тазкирашунос, адабиёт билимдони Малехо Самарқандий муносиб таърифлашган. Жумладан, Мирзо Юсуф дўстининг маҳоратига куйидагича тавсиф беради: «Оташқадалар эҳромининг мушаклар сочгувчи шуъласи Хожа Самандар тахаййюл ёғдусининг қанотлари ила, жўшқин, оташнок тили ила сухан қуши уясида чакмоқ сингари чакнаб, маъно хилватхонасида шам каби ёниб, назокат нурлари ила товланиб, порлаб турибдурким, ондин бир байт:

Сўз бағри-ла шамъдек ёқиб ўзимни,

Куйиб айтдим мудом фикру сўзимни.

У ҳамиша қаламининг учини қалб дарахтига пайванд этиб туради ва бирор кимсадан қандайдир воқеани эшитса, они дарҳол таҳрир этиб, битиб юра-

дир», (13,2,249). Ҳа, эътиборли томони шундаки, Хожа Самандар Термизий доимий изланишда бўлган ва муҳим воқеаларни ҳамisha қаламга олиб, таҳрир этиб, йиғиб юрган. Унинг «Дастурул мулук» асари ҳам ана шундай кизикувчанлик, катта маҳорат мевасидир.

Хожа Самандар Термизийни яхши билган Малехо Самарқандий ҳам унинг ижодига юксак баҳо беради. Бу икки буюк ижодкор Бухорода Абдулазизхон, Субҳонқулихон ва Убайдуллохон саройида тез-тез учрашиб туришган бўлишлари табиий. Малехо Самарқандий Самандар Термизийнинг фақат «Дастурул мулук» асари ҳақида эмас, умуман, унинг ижоди ҳақида тўхталади. Уни яхши билган ҳамнафас ижодкор сифатида талкин қилади. Малехо Самарқандий ўзининг «Музаккирул асҳоб» асарида Хожанинг маҳорати, калами ўткирлиги, камолот соҳиби эканини қўйидагича таърифлайди: «У ёшлик айёмидан бошлаб, балоғат ёшигача ой каби тўлиб, юлдузлар сингари жилваланиб, камол топа борди. Ҳозир тарихким, бир минг юздир (1688), шул қадар камол топдиким, камолот даражасига эришган хирадмандлар ва энг закий кишилар ҳам унинг фазлу фаросатидан ҳайратда қолмоқдалар, ҳар қандай теран ақл ҳар қанча ҳаракат қилмасин, унинг чуқур билими ва донолигининг поёнига ета олмай, канорада қоладир. Хожанинг ўткир зеҳни, ҳайратомуз хотираси андоқ теран, бетимсол эдиким, тасаввур этмоқ мушкул эрди. Унинг дил саҳифаси ғайбий нукталар, каломлардан башорат бериб турарди, айниқса, латофатли сўзлари, хуш каломлари маънолар маҳзани эрди. Ул шариф зотга дарё янглиғ билимлар насиб этган бўлиб, талаб этилган ҳар бир билимдан хабардор эдилар. Алалхусус, ҳукмнома (васиқа), ҳужжат ва мактублар битмакка беназир эди. Унинг битиклари ва тил фасоҳати шул қадар гўзал ва ёқимли эдиким, инсон идроки уни қамраб олиши ва поёнига етиши ғоят душвор эди. У агар воқеа ҳар қанча узун, турфа мазмунли бўлса ҳамки, Хожа уни мухтасар,

аммо юксак маҳорат ила, наққош каби идрокда нақш эта олар, ҳар қандай мажҳул ва мавҳум маънилари тўлини ойдек нурлантириб бера олар эди. Унинг бул ишидан фасоҳатли билимдонлар, камолот касб этган донишмандлар ҳайратга тушиб, тиллари лол бўлиб қолур эди.

Бинобарин, Анушахон Урганжийнинг юриш қилиши ва Самарқандни истило этиши, мағлуб бўлганидан сўнг эса, қайтиб кетиб, Хоразмда қарор топиши каби воқеаларни ул шариф зот андоқ батафсил тасвир этган-ким, бу куллиёт шарофати ила ул воқеалар миридан сиригача сақланиб келмоқдадир» (13, 2, 27).

Бу битиклардан икки нарса англашилади. Биринчиси, «Дастурул мулук» расман 1695 йили ёзилган дейилса-да, унинг боблари, хусусан, 21-тарихий боби куллиёт сифатида ҳали 1688 йилдаёқ машҳур экан. Демак, Хожа уни 1695 йили тўла қайта ишлаб, жамлаб, «Дастурул мулук» номи билан кўчиртирган.

Иккинчиси, Хожа Самандар ҳукмнома (васиқа), ҳужжат ва мактублар битишда ўзининг маҳоратини намойиш этиб, обрў-эътибор қозонган. Воқеаларни мухтасар, равон ифода этадиган тарихчи сифатида танилиб, улгурган.

Шуниси диққатга сазоворки, бу асар ҳали бирон-бир тилга таржима қилинмаган пайтда йирик ўзбек олими Маҳкам Абдураимов унинг қўлёзма нусхаларидан ўз илмий тадқиқотларида фойдаланган (13,2, 21 – 129 бетлар).

1890 йили Россия Фанлар Академияси Осиё музейида А. Куннинг жамғармаси таркибида Хожа Самандар Термизий асарининг қўлёзма нусхаси ҳам рўйхатга олинади.

К. Залеман ушбу асарни ҳам рўйхатга киритиб, сўнгра нашрдан чиқаради. У қўлёзманинг рўйхатга олиниш вақтини, муаллиф ва асар номини ҳам қайд этади.

Санкт-Петербурглик таникли шарқшунос олима, Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Абдуллонома» асарини таржима қилган М. Салоҳитдинова СССР Фанлар

академияси Шарқшунослик институтида форс-тожик тилидаги қўлёзмалар каталогини тузиш пайтида А. Кун жамгармаси асосида руйхатга киритилган Хожа Самандар Термизий асари қўлёзма нусхаси унинг эътиборини тортади. Қўлёзманинг учдан икки қисми тарихий воқеаларга бағишлангани учун 1960 йили ўтказилган шарқшуносларнинг XXV халқаро анжуманида олима (ҳаммуаллифликда) ушбу қўлёзмада баён этилган тарихий воқеалар ҳақида ахборот беради. 1964 йили Эрон филологияси бўйича ўтказилган IV Бутуниттифоқ илмий анжуманида М. Салоҳитдинова «Ўрта Осиё тарихига доир янги манба» мавзуида маъруза қилади.

Умуман, Самандар Термизийни элга танитиш, «Дастурул мулук» асарини юзага чиқаришда М. Салоҳитдинова хизматларининг бекиёс эканини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз. Олима асарнинг хали муаллиф тириклик пайтида 1107 (1695 йили) кўчирилган 1437-рақамли, 1245 (1829) йили кўчирилган 1468-рақамли ҳамда СССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтида сақланаётган 1242 (1827) йили кўчирилган қўлёзмаларини қиёсий ўрганиб, улар асосида матнлардаги хатоларни тузатиб, асарнинг факсимил матнини тузди ва уни рус тилига таржима қилди. Сўзбоши ва изоҳлари билан 1971 йили Москвадаги «Наука» нашриётида чоп эттирди.

Асар бир қатор ўзбек ва тожик адабиётшунос, тарихчи олимларининг ҳам диққат-эътиборини ўзига тортди. Жумладан, таниқли олим, академик Абдулғани Мирзаев шарқшуносларнинг Тошкентда ўтказилган I-Бутуниттифоқ анжуманида Хожа Самандар Термизийнинг «Дастурул мулук» асари ҳақида маъруза қилади (9).

«Дастурул мулук» ўзбек тарихчи олими, академик Бўрибой Аҳмедовнинг ҳам эътиборига тушган. У ўзининг «Балх тарихи» китобида «Тарихи Муқимхоний» асаридан Субҳонқулихоннинг ўз ўғли, Балх ҳокими Сиддиқ Муҳаммадхонни қатл эттириши хусусидаги маълумотларни келтириб, бу воқеа Хожа

Самандар Термизийнинг «Дастурул мулук» асарида батафсил тасвирланганини таъкидлайди. (4, 116–117).

Шунингдек, асар Оврупа олимларининг ҳам эътиборини тортган. Машхур чех шарқшунос олими Ирти Бечка: «XVII аср Ўрта Осиё тарихини ўрганишда Хожа Самандар Термизийнинг «Дастурул мулук» асари муҳим тарихий манба ҳисобланади» (5, 32) деб ёзган эди.

Самандар Термизий ҳаёти ва ижодини ўрганишда, унинг «Дастурул мулук» асарини ўзбек тилига таржима қилишда Термиз давлат университети доценти, филология фанлари номзоди Жаббор Эсонов чинакам ғайратшижоат намунасини кўрсатди.

Хожа Самандар Термизийнинг 7-авлоди, кишлок хўжалик фанлари номзоди Омон Жамолов бобокалонимиз ҳақида билганларини коғозга тушириб, Жаббор Эсоновга беради. У эса шу асосда мақола тайёрлаб, вилоят «Сурхон тонги» газетасига олиб боради. Бу ерда адабиётшунос, илмий тадқиқотчи Муҳаммад Азимов мақола билан танишиб, уни газетага тайёрлаб беришга қарор қилади. Жаббор Эсоновга «Дастурул мулук» таржимасига қўл уришни маслаҳат бериб, унга асарнинг ўз қўлидаги М. Салоҳитдинова 1971 йили Москвада чоп эттирган русча нусхасини тақдим этади. Асар таржима қилинса, «Сурхон тонги»да мунтазам бериб боришларини билдиради. Мақола «Сурхон тонги»нинг 1994 йил 10 апрел сонидида чоп этилади. Жаббор Эсонов асарни таржима қилгач, унинг кириш қисми ва 9-фасли «Сурхон тонги» газетасининг 1994 йил сентябр, октябр, ноябр ойларидаги сонларида Муҳаммад Азимов таҳрири остида босилиб чиқади.

Жаббор Эсонов ўзбекчага таржима жараёнида, изоҳлар ва номлар кўрсаткичларини тузишда атоқли олима асосан М. Салоҳитдинованинг рус тилидаги таржимасидан кенг фойдаланганини таъкидламоқчимиз. 1971 йили Москвада чоп этилган бу китобда асар асл

нухасининг танкидий (факсимиле) матни ҳам бўлиб, унинг таржимонга катта ёрдам теккан. Мутаржим Жаббор Эсонов Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти жамғармасида сақланаётган 1437-ва 1468-рақамли кўлёмаларнинг фотонухсаларидан, Душанбедаги «Адиб» нашриётида чоп этилган (нашрга тайёрловчи С. Ҳалимов) сайланма матнларидан ҳам маълум даражада фойдаланган. Масалан, у «Адиб» нашриётида чоп этилган сайланмадан адиб тили ва услубини, саж санъатини қандай кўллаганини ўрганган, байтлар қофияси ва шеърини санъатларга эътиборини қаратган. Аммо, таъкидлаб ўтамуз, кузатишлар асар мазмун-моҳиятини беришда таржимон асосан М. Салоҳитдинова ўгирган русча нухасига суянганини кўрсатиб турибди.

Таржимон матнга доир сўзбоши ҳам ёзган бўлиб, у олим А. Абдуллаев таъбири билан айтсак, алоҳида бир рисоладир.

Жаббор Эсонов таржимаси 1997 йили Тошкентда Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида 10 000 нухада босилиб чиққан эди. Таржимон томонидан ағдарилган «Дастурул мулук»нинг иккинчи, тўлдирилган нухаси, асар бўйича тадқиқоти, филология фанлари доктори, профессор Аҳмад Абдуллаевнинг «Дастурул мулук» асари ва унинг таржимаси ҳақида»ги, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Бурибой Аҳмедов ва тарих фанлари номзоди Наим Норкуловларнинг «Дастурул мулук ўзбек тилида», тарих фанлари доктори, профессор Асомиддин Ўринбоев, илмий ходим Гулом Каримовларнинг «Оху терисидан муковаланган» сарлавҳали мақолалари илова этилиб, 2001 йил Тошкентда «Шарқ» нашриёт-матбаа ҳиссадорлик компаниясида 7000 нухада босилиб чиқди.

Аммо бу нашрда таржимоннинг ўз ўғли вафотига бағишланган «Мусибат кўшиғи» сарлавҳали мақоласи

ҳам берилгани бизни ажаблантиради. Нафсиламбрини айтсак, бу мақоланинг Хожа Самандар Термизийга мутлақо алоқаси йўқ. Шу боис уни алоҳида чоп қилдириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Илмий мақолалар ичида тарих фанлари доктори, профессор Асомиддин Ўринбоев ва илмий ходим Гулом Каримовларнинг «Оху терисидан муқоваланган» сарлавҳали тақризи алоҳида ажралиб туради. Унда жуда ўринли мулоҳазалар, мустақил тадқиқот натижалари баён этилган. Шунинг учун унинг муҳим ўринларини келтириб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: «Таржимон иш жараёнида қўлёзмаларнинг фотонусхаларидан фойдаланган. Чамаси, ушбу ҳол нодир қўлёзмаларнинг, айниқса, 1437-рақамли мўтабар нусханинг қисқача илмий тавсифини келтиришга монелик қилган. 1437-қўлёзма нусха алоҳида жилдга китобат қилинган бўлиб, 372 қора сиёҳ билан ёзилган. Сарлавҳалар ва жумлалар бошланишини билдирувчи нуқталар қизил сиёҳ билан ажратиб ёзилган. Қўлёзманинг бошидаги бир неча варағи йўқолган. Мазкур нусха 1695 йили, яъни асар ёзиб тугатилган пайтдаёқ китобат қилинган. Унда хаттот номи кўрсатилмаган. Бу ҳол бизда: «Ушбу қўлёзма муаллифнинг ўз қўли билан кўчирилган табаррук дастхат нусха эмасмикан?» деган фикр-мулоҳазалар туғдирди. Замондоши Малехо Самарқандий Хожа Самандар ҳақида «Ул шариф зоти а дарё янглиғ билимлар насиб этган бўлиб, талаб этилган ҳар бир билимдан хабардор эрдилар. Алалхусус, ҳукмхона (васиқа), ҳужжат ва мактублар битмоқда беназир эди», деб ёзганидан Хожанинг моҳир хаттот ҳам бўлганини тахмин қилиш мумкин. Қўлёзмани синчиклаб кўздан кечириб чиққанимизда, унинг дастхат нусха эканига ишончимиз янада кучайди. XIX асрда кўчирилган 4468-қўлёзмадан фарқли равишда, 1437-қўлёзманинг хошияларида асар матнига кўшгина кўшимча ва тузатишлар киритилган. 60-варақ хошиясида шохни ўлимдан сақлаб

қолган ўғри ҳақида бутун бошли ҳикоя келтирилган. М. Салоҳитдинова қўлёзма ҳошиясидаги ушбу қўшимча ва тузатишларни асарни кўчирган хаттотга тегишли эканини ёзади. Аммо хаттотлар матнни қайта кўздан кечириб чикқанларида, кўчириш пайтида беихтиёр ўтиб кетган баъзи жузъий хатоларни ислоҳ этганлар, холос. Асар матнига кўп сонли тузатишлар ва ҳажман катта қўшимчалар киритиш, яъни жиддий таҳрир ишлари муаллиф томонидан амалга оширилгани ҳақиқатга яқинроқдир. «Дастурул мулук» охиридаги шеърини парчада Хожа Самандар бундай дейди:

*Масиҳдек эсон ато айлар китобдир бу,
Беморларга шифо айлар китобдир бу.
Этиб не фикру не мавзу илова,
Оҳу терисидан қилдим муқова.*

Ушбу сатрларда муаллиф ўз асарини ўзи китоб холига келтирганига яққол ишора этмоқда. Юқорида келтирилган далиллар, назаримизда, 1437-қўлёзма нусхани улуғ аждодимиз Хожа Самандар Муҳаммад Бақо Термизий ўз кўли билан кўчириб, муқоваланган табаррук дастхат нусхасидир, деб хулоса чиқаришга асос бўла олади» (13,2 323).

«Анис ул фуқаро»

Маълумки, Хожа Самандар Термизий қалами ўткир шоир ҳам бўлган. 1693 йил январ ойида Субҳонқулихон Бухородан Балхга юриш қилганида йўлда қалин қор ёғиб, қаттиқ совуқ бўлади. Шунда кўшиндагилар:

*Исинмоққа бу гулхандан бўлак мулку макон йўқдур,
Самандар сўзидек оташли бир роҳатижон йўқдур,
деб, Хожа Самандардан байт айтишади. Бу ижодкорнинг сўз санъатида юксак маҳорат эгаси эканига бир далил, юксак эътирофдир.*

Адибнинг дўсти, замондоши Мирзо Юсуфнинг Самандар Термизий поэтик маҳорати хусусидаги эътироф-тахсини ҳам диққатга сазовордир:

*Кам эрур бундоқ гўзал сўзлар соҳиби, жуда кам,
Таъриф этмиш жаъм қилиб лутф ила маънони ҳам.
Нур сочур сўз маъшали ҳар назмининг матлаъсида,
Дарёдек илми аён ҳар шеърининг мақтаъсида.
Юз очур ҳар лавҳида юз қитъа маъно мисли дур,
Офтоб тожиги ул эҳсон этадур тоза нур,
Битмиш ул андоқ рубойиларки, пурмаъно, баса,
Осмон устунидир гўё анинг ҳар мисраси.*

Самандар Термизийнинг истеъдодли шоир бўлганини «Дастурул мулук»даги кўпдан-кўп ҳикмат ва рубойилари, қитъаларидан ҳам билиш мумкин. Баъзилар ижодкорнинг «Анисул фуқаро» асарини шеърӣй мажмуа деб ҳисоблашади.

Аммо бизнинг текширишларимиз ва Шаркшунослик институтидаги кўлёмаларни кўздан кечириш натижасида бу китоб ҳам худди «Дастурул мулук»дек ҳикматлар, панд-насихатлар, ҳикоялар, тарихий воқеалар, шеърӣй парчаларни ўз ичига олгани, худди Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон», Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон» каби асарларидек одобахлоқ мавзуидаги насрда ёзилган китоб экани маълум бўлди.

Тарих фанлари доктори, профессор Асомиддин Ўринбоев ва илмий ходим Гулом Каримовлар томонидан юқорида эслатилган «Оху терисидан муқоваланган» сарлавҳали мақолада ҳам, жумладан, «Анисул фуқаро» ҳақида қуйидагича аниқ фикрлар баён этилган: «Баъзи илмий адабиётларда Хожа Самандарнинг «Анисул фуқаро» (Фуқаролар дўсти) деган асар ҳам ёзгани айтиб ўтилган. Шу номдаги асар Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида сақланаётган 277-рақамли қўлёзманинг 78-108-варақларидан жой олган ва унинг охирида асар муаллифи Муҳаммад Бако Термизий экани қайд этилган. Ҳажман унча катта бўлмаган мазкур асарни кўздан кечириб чикқанимизда, у «Дастурул мулук»нинг дастлабки боблари билан мазмунан жуда ўхшаш эканлиги маълум бўлди. Бундан шундай хулоса қилиш мумкин: «Хожа Самандар дастлаб «Анисул фуқаро» номли асар ёзган. Орадан йиллар ўтгач, бу китобни қайта ишлаб, унга янги боблар қўшиб, ҳажман ва мазмунан кенгайтириб, дурдона асар даражасига келтиргач, уни «Дастурул мулук» деб атаган. («Миллий тикланиш» газетаси, 1998 йил, 24 ноябр).

Шуниси диққатга сазоворки, Шарқшунослик институтида сақланаётган 30 бетдан иборат «Анисул фуқаро» қўлёзмаси боблари ҳам худди «Дастурул мулук»ники каби ажралиб туриши учун қизил сиёҳ билан кўчирилган. Бу қўлёзмадан Самандар Термизийнинг «Дастурул мулук» асаридаги дастлабки ўн тўрт боб – «Адолат» бобидан «Сабр» бобигача жой олган. «Дастурул мулук» ҳижрий 1107 (милодий 1695) йил китобат қилингани қайд этилган.

Институт хазинасида сақланаётган 277-рақамли қўлёзманинг 78-108 бетларидан жой олган «Анисул фуқаро» нинг охирги саҳифасида ҳижрий 1174 (милодий 1734) йили ёзилгани қайд этилган ва қўлёзmani кўчирган кишининг номи кўрсатилмаган. Малехо Самарқандийнинг «Музақкирул асҳоб» тазкираси хо-

шиясида: “1174 (милодий 1734) йили Хожа Мулла Бақоий Самандар Насафийнинг ўз хати билан «Анисул фуқаро» ни ёзганини кўрганлар”, дейилади. Бу хабардан маълум бўладики, ушбу сана алломани ўша пайтлар ҳам ҳаёт бўлган ва ўзоқ умр кўрган, деб ёзган номаълум кишининг берган маълумотномасидаги сана билан бир хилдир. Шу боис 177 – рақамли кўлёманинг 78–108 саҳифаларидаги «Анисул фуқаро» Хожа Самандар Термизийнинг шу номли мукамал асар яратиш ниятида ўз дастхати билан хижрий 1147 йили ёзган мазкур асарининг бир қисмидир деб фараз қилиш мумкин. Бобомизнинг олтинчи авлодига мансуб, 1999 йили вафот этган амакимиз мулла Аҳмад ҳожи оталари – 1979 йилда 90 ёшида вафот этган Мулла Абдуҳолиқ ва амакилари Ғиёс эшон улуғ бобомиз Самандар Термизийнинг «Анисул фуқаро» асарини мутолаа қилиб юрганларини кўрганларини ва бу асар сариқ-қизғиш чарм билан муқоваланган, анча катта ҳажмда эканини ҳикоя қилган эди. Амакимиз Ҳошимхон Камолов ҳам ўтган аср 40-йиллари 20 ёшларида «Анисул фуқаро»ни Абдуҳолиқ домланинг қўлида кўрганини эслайди.

«Дастурул мулук»нинг ўзбекчага таржимони Жаббор Эсонов фикрича, «Ўз замондоши Мирзо Юсуф таърифлаганидек, Самандар Термизий ҳамisha «Сўз бағрида ўзини шамъдек ёққан, бирор кишидан қандайдир бир воқеани эшитса, каламининг учини қалб дарахтига пайванд этиб... уни дарҳол битиб, таҳрир қилиб юришга одатланган бир аллома сифатида 1695 йили «Дастурул мулук»ни ёзиб тугатганидан кейин мазкур одатини тарк этмаган бўлса керак. У 38 йил давомида (Хожа 1734 йили ҳаёт бўлган) ёшлигида ёзган «Анисул фуқаро» асарининг яна мукамалроқ нусхасини қайта ёзган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Малехо Самарқандийнинг «Музаккирул асҳоб» тазкираси хошиясида «Анисул фуқаро» ҳақида маълумот берган номаълум киши Хожанинг 1734 йилда – умрининг интиҳосида ёзилган,

аввалгисидан мукамалроқ бўлган «Анисул фуқаро» асарини назарда тутган бўлиши мумкин» (2, 13, 14).

Биз ҳам шу фикрдамиз. Афсус, ҳозир қўлимизда мулла Абдуҳолиқ, ва қози Ғиёс эшон қўлида сақланган ўша мукамал «Анисул фуқаро» йўқ. Бу ажойиб асар ўтган асрнинг машъум 37-қатагон йилларида яширилган ёки қаердадир, кимлардадир сақланмоқда. Ўйлайманки, изланиш-қидиришларимиз самара беради ва биз улуг бобомиз ана шу асарининг таржимасини ҳам амалга ошириб, китобхонларимизни хушнуд этамиз.

Ҳаж таассуротлари

Мамлакатимиз мустақил бўлишига қадар юртимиздан ҳар йили атиги 1–2 нафар одамгина ҳаж сафарига чиқар эди. Юртимиз истиқлолга эришганидан буён то шу кунга қадар республикамиздан 80 мингга яқин мусулмон Маккаю муқаррамага боришга мушарраф бўлди. Бундан ташқари, минглаб мусулмонлар (кичик ҳаж) умра сафарига бориб келишди.

Юртимиз Чоризм, қизил империя томонидан босиб олинмасидан илгари Самандар Термизий авлодларидан кўпчилиги ҳаж сафарига бориб келишган, бир қанчаси Маккаи муқаррамада, бир қанчаси Мадинаи мунавварада ва яна бир қанчаси бошқа Араб мамлакатларида Ислом илмини мукамал ўрганишган.

Мен ғофил банда биз Самандар Термизий авлодлари–саййидлар эканимизни, яъни пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафонинг (алайҳиссалом) набираси Имом Ҳусайн насли эканимизни билсам-да, шажара тафсилотларини аниқ билмас эдим. 2008 йил Худонинг хоҳиши ва мамлакатимиз раҳбариятининг саяъ-ҳаракатлари туфайли хотиним билан ҳаж сафарига бориб, ҳақиқатнинг тагига етдим. Бобомиз Абдулмутталиб қандай қилиб Замзам булогини қайта очгани, Каъбани таъмирлагани ва уни кўриқлагани ҳикматини аниқладим. Замзам булоғи сувидан тўйиб ичиб, бобомиз кароматларини юракдан ҳис

килдим. Хотиним билан 10–15 соатлаб Каъбани тавоф қилиб, Сафо ва Марфа тоғлари оралиғида сайр этиб, фақат Замзам сувини ичдик. Бу сув ҳам овқат, ҳам сув ва ҳам дардга малҳам экан. Мен ўзимча шундай фикрга келдим: Дунёда Замзам сувидек мусаффо тиник, тўйимли ва шифобахш сув топилмайди. Бизнинг бобокалонларимиз Замзам булоғининг кўзини қайта очиб, элга, ҳожиларга сув берганидан фахрландим.

Ҳаж сафарида кўп мўжизаларни кўрдим. Шулардан бири қуйидагича: Ўзбекистондан борган беш минг нафар ҳожи республика муфтийи, хурматли Усмонхон Алимов бошчилигида 7 декабр куни Арафот тоғида ўтириб, Худодан тилаб, дуо қилдик, яъни бизнинг мамлакатимиз ҳудудига қор беришини сўрадик. Буни қаранг, эртаси Ўзбекистон бўйлаб қалин қор тушди. Хотиним билан Каъбани тавоф қилиб келатуриб, бир оз толиқдик ва бир арабнинг дўкони олдида дам олдик. Дўкон эгаси билан суҳбатлашиб қолдик. Араб биздан: «Қаердансизлар?» деб ишора қилиб, сўради. Биз унга халтамиздаги Ўзбекистон ёзувини, байроғимизни кўрсатдик. Лекин у яхши тушунмаганини ишора қилди. Шунда биз Имом Бухорий, Имом Термизий юртиданмиз, дедик. Буни қаранг, араб келиб, мени тавоф қилиб қолди. Шунда беихтиёр кўзимдан ёш чиқиб кетди, жуда фахрландим.

Мен оддий бир ҳожи сифатида шуни таъкидлайман, ер юзида ҳажга борувчи фуқаролар учун ўта ғамхўр, эътиборли бизникидай бошқа мамлакат бўлмаса керак. Бу гапни айтишимга сабаб шуки, мен буни ўз кўзим билан кўриб келдим. Ҳажга борган бошқа мамлакатларнинг фуқаролари, биздан кўп ҳақ тўлаб, на турар жойининг тайини бор, на истеъмол қилишга овқати бор. Ҳатто Россияда буюк давлат ҳожилари ҳам биздек иззатда эмас эканлар.

Кўп ҳожилар дуч келган жойларда тунаб ётганларини кўрдик. Шунда мен ўзбекистонлик ҳожи эканим-

дан фахрландим. Чунки бизнинг ҳожиларга ҳамма шароит яратилди. Уйимиздан чикқанимиздан то қайтиб келгунимизга қадар ҳукуматимиз эътиборида бўлдик. Кетгунга қадар ва қайтиб келганимизда, Тошкент шаҳрида, Арабистонда бизга қилинган эътибордан хурсанд бўлдик. Меҳмонхонамиз тайин, 3 маҳал овқат, ҳар қадамимизда автобуслар, тиббий хизмат, ҳамма шароитлар муҳайё бўлди. Ҳаттоки овқатимизни пишириб бериш учун Ўзбекистондан ошпазлар ҳам боришди. Шунинг учун биз ўзбекистонлик ҳожилар Арафот тоғида туриб, Юртбошимиз Ислом Каримов ҳақларига дуолар қилдик ва катта раҳматлар айтдик.

Хурматли китобхон! Сизни асосий мавзудан чалғитмоқчи эмасман, лекин шу ўринда ўз фикримни айтиб ўтишни лозим топдим. Маккаю мукаррамада Худойимнинг уйи – бутун дунё мусулмонларининг саждагоҳи – Каъба жойлашган. Мадина шаҳрида эса охирзамон пайғамбари Муҳаммад Мустафонинг (саллоллоху алайхи ва саллам) равалари бор. Булар мусулмонлар учун муқаддасдир, аммо бизнинг юртимиз Ўзбекистон, жумладан, Сурхондарё Худонинг назари тушган жой, худди жаннатнинг бир бўлагидир. Мен буни ҳаж сафарида чуқур ҳис қилдим. Буни ҳеч ким унутмаслиги ва ношукрлик қилмаслиги лозим.

Хожа Самандар Термизийнинг олтинчи пушт авлодига мансуб бир набираси Самандар Термизийнинг издоши шоир Сайфиддин Зайниддиновдир. У ҳозир Қумқўрғон тумани Ҳалақи маҳалласида яшайди, нафақада. Сайфиддин Зайниддинов ижодкор, шеърлар ёзади. Бу ҳам улуғ бобо ижодкорлигининг узвий давоми сифатида баҳоланмоғи лозим. Қуйида шоир шеърларидан бирини эътиборингизга ҳавола этдик.

Ота-онанг

Сени уриб-сўкса ҳам,
Кўз ёшингни тўкса ҳам,
Хафа бўлма сира ҳам,
Меҳрибон ота-онанг.

Улар номусу оринг,
Ҳаётда йўғу боринг,
Аритгайдир губоринг,
Меҳрибон ота-онанг.

Дунёга келиш навбат,
Ота-онанг асал-қанд,
Уйингни айлар жаннат,
Меҳрибон ота-онанг.

Узоқларга кетсанг ҳам,
Кўзларига олиб нам,
Дуолар қилар ҳар дам,
Меҳрибон ота-онанг.

Бошингга иш тушса гар,
Бахт қушларинг учса гар,
Кўмакка шошар улар,
Меҳрибон ота-онанг.

Ўтсалар, сўнг биларсан
Отанг-онанг кадрили.
Излаб топа олмассан.
Сайфи дер қалб сирини:
Дунёда чин дурдонанг –
Меҳрибон ота-онанг.

Сўнгсўз ўрнида

Азиз китобхон! Мустақиллигимиз шарофати билан кадриятларимиз тикланыпти. Ота-боболаримизнинг бой маънавий меросларини ўрганиш, баҳра олиш имконияти туғилди. Ана шундай улуғ алломаларимиздан бири, «Дастурул мулук», «Анисул фуқаро» каби 30 дан ошиқ асарлар яратган бобомиз Хожа Самандар Термизий ҳаёти ва ижодини, бой меросини ўрганиш ҳам йўлга қўйилди. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов «Тарихий хотирасиз келажак йўқ», деб айтганларидай, биз маънавий кадриятларимиз, бой анъаналаримиз, ота-боболаримиз қолдирган маънавий мерос туфайли олга бориш, юксак парвоз қилиш имконига эгамиз. Хожа Самандар Термизийнинг асарлари халқимиз маънавияти, урф-одат ва анъаналарини, уларнинг ўзига хослигини тараннум этувчи, тарихимизнинг муҳим қисмини ёритувчи нодир манбалардир. Уларни ёшлар учун одобнома сифатида ҳам ўрганиш мумкин. Шунинг учун бу асарларнинг аҳамияти бекиёсдир.

Маълумки, ҳозир биз Хожа Самандарнинг Қоптўғай қишлоғида яшовчи авлодлари бобомиз қабри устида макбара барпо этдик. Эндиги вазифа Хожа Самандар Термизий хоклари ётган ва у кишининг табаррук номлари билан аталувчи қабристонни обод этиш, кўкаламзорлаштириш, бу ерни ва улуғ бобомиз қабрларини умумхалқ зиёратгоҳига айлантиришдир. Энг муҳими, улуғ бобомизнинг асарларини топиб, ўзбек тилига таржима қилиб, халқимизга қайтариш, шу асарлар бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенг йўлга қўйиш.

Ҳозирча Хожа Самандар Термизийнинг «Дастурул мулук» асари ўзбекчага таржима этилиб, икки марта нашр қилинди. Ҳали олдинда қилинадиган ишлар кўп. Уларни бажариш мақсадида 2010 йил бошида Хожа Самандар Термизий хайрия жамғармаси ташкил этил-

ди. Жамғарманинг дастлабки ишларидан бири сифатида улуғ бобомиз асарларининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган кўлёмаларини, хусусан, «Анисул фуқаро» асарини тадқиқ қилиш бошланди. Жамғарма Хожа Самандар Термизий ҳаёти ва асарлари бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бораётган олим ва адиблар, тадқиқотчилар, адабиётшунослар билан алоқаларни, ҳамкорликни йўлга қўймоқда. Хожа Самандар Термизий авлодлари билан учрашувлар, мулоқотлар ўтказмоқда, улуғ бобомизнинг ака-укалари ва уларнинг авлодлари тақдирини аниқлаш бўйича бир қатор ишларни амалга оширяпти.

Хожа Самандар Термизий жамғармаси раиси ёзган ушбу китоб ҳам жамғарманинг дастлабки хайрли ишларидан биридир. Бу китоб ҳали тўлақонли эмас, айрим ноаниқликлар, хато-камчиликлар ўтган бўлиши табиий. Шунинг учун китоб бўйича барча таклифларингизмулоҳазаларингизни муаллиф бажонидил қабул қилади ва кейинги нашрларда ҳисобга олади.

«Савоб ишни ҳар ким ҳар куни қилиши керак» деган ажойиб ҳикмат бор. «Дастурул мулук» ва унинг муаллифи ҳақидаги барча янгилик, ахборотларни бизнинг жамғармамиз алоҳида иштиёқ, чанқоқлик билан қабул қилади, улар асосида тайёрланган маълумотларни жамоатчилик эътиборига етказилади.

Ўйлаймизки, халқимиз маънавияти-маърифати, ҳақиқий мусулмонлиги ва инсонийлиги йўлида улкан ҳисса қўшган олимлар қатори Самандар Термизий ҳаёти, ижоди ва авлодлари ҳақидаги маълумотлар жамланиб боради ҳамда яхлит бир хазинани ташкил этади.

Жамғарманинг моддий пойдеворини мустаҳкамлаш, унинг имкониятларини кейгайтириш, бобомиз қабри ва атрофларини ободонлаштириш ишига муносиб ҳисса қўшиш, улуғ бобомиз асарларини кенгроқ тарғиб-ташвиқ қилиш, Қоптўғайдаги зиёратгоҳни тўла таъмирдан чиқариб, муносиб даражага кўтариш муҳим вази-

фамиздир. Ушбу эзгу ишларни амалга ошириш бўйича ва китоб ҳақидаги кимматли фикр-мулоҳазаларингизни билдиришингиз, бобомиз мақбараларини ва у киши номидаги қабристонни таъмирлаш, мамлакатимиз ва хорижлик меҳмонлар зиёратгоҳига айлантириш ишларига ёрдам сифатида имконингиз қадар маблағ кўчиришингиз учун сизларга жамғарма манзили ва ҳисоб рақамларини маълум қиламиз:

**Хожа Самандар Термизий хайрия жамғармаси,
Жаркўрғон, Агробанк, МФО: 00332,**

х-р: 202120000604821231001, ИНН: 207052534.

Мактубларингиз, таклиф-мулоҳазаларингиз ва хайрия, савоб йўлида ўтказаетган маблағларингиз учун олдиндан миннатдорлик билдирамиз.

Ўйлаймизки, Хожа Самандар Термизий ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақидаги ишлар эндигина бошланмоқда ва келгусида улар, Худо хоҳласа, албатта, яхши самара беради.

Ушбу китобни нашр этиш, шунингдек, Самандар Термизий авлодлари шажарасини тузишда моддий ва маънавий кўмак берган аллома бобомизнинг 6–7-пушт авлодлари марҳум Аҳмадхон хожи Холиқовга, марҳум Умбархон Алиевга, 4–5 пушт авлодлари исмини ёд билган 90 ёшли Хошимхон Камоловга, Маҳмудхон Қаюмовга, Файзуллахон Ботировга, Тўхташхон Болтаевга, Шералихон Мирзаевга, Қудратхон Темировга ва Мастура пошша Исмоилхон қизига муаллиф миннатдорлик билдиради.

Фойдаланилган манбалар

1. Абдураимов М. А. “Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве (XVI – первой половине XIX века), Ташкент, том 1, “Фан”, 1966.
2. Азимов Муҳаммад. “Термиз тарихи”, Қарши, “Насаф” нашриёти, 2001.
3. Азимов Муҳаммад. “Сурхондарё иждокорлари”, Қарши, “Насаф” нашриёти, 2006.
4. Аҳмедов Б. А., “История Балха”, Ташкент, “Фан”, 1981.
5. Бечка, Ирғи. “Адабиёти форси дар Тоҷикистон, Маркази мутлоқноат (Иттилот) ва тадқиқоти фарҳанги байналмилал”, Техрон, ҳижрий 1372 (мил. 1952).
6. Ислон Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч”, Тошкент, “Маънавият” нашриёти, 2008.
7. Маҳмуд ибн Вали. “Море тайн”, Ташкент, изд. “Фан” 1977.
8. Муҳаммад Бадеъ ибн Муҳаммад Шариф Малехо. “Музақкирул асҳоб” Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, қўлёзма рақами 710.
9. Мирзаев А. М. “К вопросу об изучении таджикской литературы XVI – XIX вв”. Материалы Первой Всесоюзной научной конференции востоковедов. Ташкент, 1958
10. Мирзо Жалолiddин. “Термиз саййидлари”, Самарқанд – Термиз, 2001.
11. Хавофий, Фотих, “Мужмали Фасихи”, Ташкент, изд. “Фан”, 1980.
12. Хожа Самандар Термизий. “Дастурул мулук”, Ж. Эсонов таржимаси, Тошкент, Гафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1997.
13. Хожа Самандар Термизий. “Дастурул мулук”, Ж. Эсонов таржимаси, тўлдирилган 2-нашри, Тошкент, “Шарқ” НМХК, 2001.
14. Холмирзаев Абдулла. “Сурхондарёнинг табаррук зиёратгоҳлари”, Гафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 2001
15. Турсунов Сайфулло. “Термизлик буюк сиймолар”, “Шарқ” НМХК, 2001.
16. Ҳофиз Таниш ибн Мир Муҳаммад Бухорий. “Абдуллонома” (Шарафномаи шоҳий), II жилд, “Фан” нашриёти, Тошкент, 1969.

Мундарижа

Сўзбоши ўрнида	3
XVI асрнинг охири ва XVII аср бошларида Термиз	7
Самандар Термизийнинг ёшлик даври	11
Ватанга қайтиш	15
Камолот пиллапоялари	16
Алғов-далғовли кунлар.....	22
Ҳар кимки ёмон бўлса... Қози Бадеъ.....	25
Хожа Аваз	31
Самандар Термизий ва Хожа Юсуф мактублари.....	33
Сарсон-саргардонликда.....	37
Она юрт тупроғида.....	40
Хожа Самандар Термизий авлодлари.....	43
Ҳақимлик ота-боболардан мерос	52
Шайх Абдуллахон ибн Абдулбоқий	60
«Дастурул мулк». Тадқиқотлар, изланишлар, таржима.....	64
«Анисул фуқаро».....	72
Ҳаж таассуротлари.....	75
Ота-онанг	78
Сўнгсўз ўрнида.....	79
Фойдаланилган манбалар.....	82

Аҳмадхон Қаюмов

САМАНДАР ТЕРМИЗИЙ

Муҳаррир:
Абдул ЖАЛИЛ ХЎЖАМ

Мусаҳҳиҳ:
Ақром Дехқон

Муқовани
Одилжон Абдул ЖАЛИЛ
тайёрлади.

"Муҳаррир" нашриёти
Лицензия: АІ № 099. 2008 йил март.

Теришга берилди: 21 декабр 2011 й.
Босишга рухсат этилди: 31 январ 2012 й.
Офсет қоғоз. Қоғоз бичими: 84x108 ¹/₃₂.
Times New Roman гарнитураси. Офсет босма усули.
Офсет қоғози. Ҳисоб-нашриёт т.: 2,75.
Шартли б.т.: 4,4. Адади: 1500 нусха.
Буюртма № 10.

«MUHARRIR» нашриёти матбаа бўлимида чоп этилди.
100060, Тошкент шаҳри, Элбек кўчаси, 8-уй.
E-mail: muharrir@mail.ru